Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

19 сон
6-12 май 2004 йил

## 9 Май Хотира ва қадрлаш куни

# ТИНЧЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини нишонлар эканмиз, бевақт йўқотган кишиларимиз ҳақида изтироб билан эслаймиз. Қаҳрамоним ўша кишилардан бири.

Ота-онаси узоқ вақт фарзанд кўрмай, ниҳоят унга етишганлари учунми, исмини Хурсанд қўйишди. Бу исм унга ярашарди. Гурунгларда ҳангомалари билан ҳаммани кулдирар, давралар тўрида файз тўкиб ўтирарди.

1940 йил эди... Хурсанд ва жўралари келишув бўйича ўз ихтиёрлари билан ҳарбий хизматга жўнашди.

Машъум 1941 йилнинг 21 июни етиб келди. Даҳшатли жанг бошланиб кетди. Миллионларни ўз гирдобига тортган бу уруш инсоният бошига мисли кўрилмаган кулфатлар олиб келди. Жанг майдонидагина эмас, ҳатто ундан олисларда ҳам ҳар қадамда, ҳар нафасда инсон боласини ўлим кутарди.




Не орзулар билан ҳарбий хизматга жўнаган жўраларни ҳам шу уруш билан боғлиқ қисматлар четлаб ўтмади.

Урушнинг дастлабки кунлари армиянинг бир қатор қисмлари қуршовга олиниб, асир қилинди ва ҳайдаб кетилди. Хурсанднинг пешонасида ана шу асирликнинг чидаб бўлмас уқубатлари битилган экан. Қулликда ўтган умри жаҳаннам азобини эслатарди. Неча бор ўлимлардан қолди. Чеккан кулфатларининг адоғи йўқ. Бир гал толе ёр бўлиб уч-тўрт киши жонни омонат топшириб, ўлим хавфи остида қочиб қутулишга муваффақ бўлдилар. Хурсанд ўзга юртларда, аввал Югославия партизанлари сафида, кейин французларга қаршилик кўрсатиш кучларида босқинчиларга қарши жангларда қатнашди. Ғалабани Францияда кутиб олди.

Қарайгки, чеккан ситамлар ҳамон ниҳоясига етмаган экан. Аввало бир кун бўлса ҳам асирликда бўлганлар ўз юртларига осонлик билан қайтмадилар. Ватан уларни қучоқ очиб қарши олмади, ҳар бири "фильтр"дан ўтказилди. Баъзилар душман лагерларидан қутулиб, ўз юртида қамоққа олинди. Буни пайқаган айрим асирлар қайси мамлакатда лагердан озод қилинган бўлса, ўша мамлакатда қолиб кетди. Хурсанд Шарофиддиновга омон-эсон она юртига қайтиб келиш насиб этди. Ота-она, қавм-қариндош, дўстлар, маҳалладошлар бағрида бир муддат шодон яшади. Чеккан азоб-уқубатларини унутгандай бўлди. Саргузаштлари янги ҳангомаларга айланди. Одатича, барчани кулдирарди. Бир дунё орзулар билан истиқболга қадам қўйди. Уйланди. Соддагина камтарона тўй ҳаётидаги энг бахтли воқеа бўлди.

Тўйдан бор-йўғи икки ой ўтиб, уни КГБга чақирдилар. Чунки собиқ асирликда бўлганларга қарши қатағон бошланганди. Уларнинг устидан кимлар, қандай далиллар асосида, "жиноий иш" очади, кимлар тергов олиб боради, кимлар суд ҳукмини чиқаради - ҳеч ким билмасди. Кўпчилиги қамоққа олинар, сургун қилинар, бошқаларга эса улар ҳақида миш-мишлар қоларди.

Ана шу шароитда бир саҳар чоғи энг оғир дамларда ҳам кулишни билган Хурсанднинг мурдасини ошхона шипига боғланган бир қулоч арқондан бўшатиб олишди.

Фалакнинг мислсиз аламларига бас келган Хурсанднинг метин иродаси бугун букилди. У ўз жонига қасд қилди, чунки ватан ундан юз ўгирганди. Хотира ва қадрлаш кунини ҳар йили нишонлаймиз. Хотира майдонлари, гулдаста ва гулчамбарларга тўлиб кетади. Шарафли, шарофатли умрини ҳаёт тантанасига сарф этган мўътабар инсонларни иззат-икром билан зиёрат қиламиз. Улар бу шарафга лойиқ. Назаримда шу улуғ айёмда урушнинг Хурсанд каби қурбонлари ҳам маъюс, жанг майдонида тўкилмаган қонларини кўз ёшларига қўшиб тўкадилар ва сўрайдилар:

- Одамлар айтинг, гуноҳим нима?

Оллоҳ уларнинг ҳам руҳи-покини махфират қилсин. Инсон боласини бундай бало-офатлардан ҳамиша асрасин. Тинчлигимиз абадий бўлсин.

**Собиржон ҲИДОЯТОВ,**
**Тошкент шаҳри**

## ИНСОН ҚАДРИ - УЛУҒДИР

**Ахборот**

Ватанимизда турли байрамларни қувонч билан кутиб оларканмиз, ўтганлар ҳам унутилмайди. Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорга асосан Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 сўм миқдорида пул берилади.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказилади.

Мазкур пул мукофотлари эса 9-май Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тантаналари вақтида топширилади. Ўтганларнинг хотирасини муқаддас сақлаб, тирикларни эъзозлаш ҳам миллий қадриятларимизнинг гултожидир. Ана шундай қадриятлар бой мурувватли халқ яшайдиган юрт эса ҳамиша равнақ топиб, юксалаверади.

**Ўз мухбиримиз**



## ШОИР ХОТИРАСИ АЗИЗ

Яқинда Гулистон шаҳридаги маданият уйида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят Маданият бошқармаси томонидан Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланиб, "Шоир хотираси азиз" мавзуида бадиий-ижодий тадбир ўтказилди. Унда шоирнинг рафиқаси Назира Саломова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Дилбар Саидова, шоира Муҳтарама Улуғова, журналист Ҳулкар Ҳамроева, Гулистон шаҳар ҳокими Исмоил Элбеков, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби Ҳаётхон Ортиқбоева, шоир Ҳамроқул Ризо қатнашдилар.

Қувонч ва дард қўшилсагина мазмун ва моҳияти поёнсиз бўлган шеърлар яратилади ва халқнинг мулкига айланади. Муҳаммад Юсуф ана шундай шеърлар соҳиби бўлгани учун ҳам унинг сатрлари ҳар бир ўзбекистонликнинг хонадонига офтоб нуридек кириб борди.

Ёзувчи Дилбар Саидова Муҳаммад Юсуф ҳақида гапираркан, уни "халқнинг дил давлатига айланган шоир", деб атади. Чиндан ҳам шоирнинг ҳар бир сатри, мухлислари учун қадрли, топилмас хазинага айланди.

Шоирнинг яхши-ёмон кунида йўлдош, шеърларининг биринчи ўқувчиси, ҳаммаслаги, болаларининг онаси, умр йўлдоши, шоира Назира Саломовага сўз берилганда кўпчиликнинг кўзига ёш қалқди. Кўп йиллар шоир билан ёнма-ён умргузаронлик қилган инсоннинг дил сўзлари йиғилганларнинг қалбини титроққа солди.

- Бундан 3 йил аввал Муҳаммад ака билан 50 йиллик юбилейларини ўтказишни режалаштириб юргандик. Ўшанда ҳам бу ташаббус мендан чиқувди. Муҳаммад акам манманликни ёмон кўрарди. Тақдирни қаранг, бугун ҳамма жойда, Муҳаммад акамнинг 50 ёшлари нишонланаяпти-ю, ўзлари йўқ...

У ҳаётга ошиқ, табиатни, гўзалликни ва юртимизни севарди. Шоир инсоннинг ич-ичидагини топиб сўзларди. Ўз ижоди билан, инсоний ҳислатлари билан улуғ эди.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Бугун у орамизда йўқ, лекин бетакрор шеърияти қалбимиз тўрида.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**



### ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСИҚЛАР ЙЎҚ

*Армон қолмади, дўстлар,*
*Ўзбекистон элида,*
*Озод халқларимизнинг бойлиги*
*ўз қўлида.*

*Ҳамма томон яшнаган эркин*
*меҳнат туфайли,*
*Одамлар уйи обод, булбул сайрар*
*гулида.*

*Ҳар ким севган касбида ишлаб*
*бахтини топди,*
*Орзуга етганларнинг қувонч тўла*
*дилида.*

*Тўра, юртбошимизнинг ҳаракати*
*туфайли,*
*Ҳеч қандай тўсиқлар йўқ*
*ватанимиз йўлида.*

### ОИЛАДА ИНОҚЛИК

*Оилада иноқлик катта давлат,*
*иқболдир,*
*Ҳамжиҳат, иттифоқлик катта*
*давлат, иқболдир.*

*Бирлик бўлмаган жойда*
*тараққиёт, ўсиш йўқ,*
*Аҳиллик ва ўртоқлик катта*
*давлат иқболдир.*

*Нияти бузуқларга хорликдан*
*бошқа йўл йўқ,*
*Ҳалоллик, кўнгли оқлик катта*
*давлат, иқболдир.*

*Касаллик, ғам-ғуссадан Худо*
*асрасин, Тўра,*
*Соғлиқ ҳам думоқчоқлик*
*катта давлат, иқболдир.*

### УЗОҚ ЮР

*Бўлмай десанг шарманда,*
*майхонадан узоқ юр,*
*Яхшироқ синалмаган*
*бегонадан узоқ юр.*

*Доноларга ёндошсанг, асло*
*зиён кўрмайсан,*
*Лекин туриши зиён*
*девонадан узоқ юр.*
*Баъзи танноз боғ-роғда*
*хаёсизларча боқар,*
*Заррача уяти йўқ*
*жанонлардан узоқ юр.*

*Мушкул пайтда ҳолингни*
*сўрагандан айрилма,*
*Мўл-кўл пайтда гирдингда*
*парвонадан узоқ юр.*

*Ёрнинг остонасида арз-ҳол*
*қилиш айб эмас,*
*Ундан бошқа нотаниш*
*остонадан узоқ юр.*

*Тўра, айтилган жойга боргин*
*сира кечикмай,*
*Айтилмаган меҳмонлик,*
*тўйхонадан узоқ юр.*

*Тўра ЖУМАН,*
*Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси*

# ДАРЁ МИСОЛ МАВЖЛАНАР ҚЎШИҚ

*Оиламиз меҳмони*



Хонанда **Олимжон Мирзаев** худо берган истеъдоди билан кифояланиб қолмайди. Ўз устида жиддий ишлайди, изланади, устозлари ўгитларига амал қилади. Ўтган йиллар мобайнида қирқдан ортиқ қўшиқ яратди. Алишер Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб ғазаллари куйга кўчиб, Олимжоннинг қудратли овози жўр бўлганида ҳар қандай қалб тўлқинланиб кетади. Айниқса, "Ўзбекистон", "Онажон", "Элнинг боласи", "Дўст", "Ноз", "Ажаб" каби хонишлари тилга тушди. Тинимсиз меҳнат ва заҳматларнинг маҳсули ўтган йили "Туркистон" саройида икки кун давом этган "Соғинсангиз..." номли яккахон концерт дастури кутилганидан ҳам аъло, мухлисларнинг офарин-у, олқишлари остида ўтди. Анчадан бери ҳақиқий санъат ва жонли ижрони соғинган шинавандалар хонандага қучоқ-қучоқ гуллар совға қилишди. Орзиқиб кутилган бу самимий эътироф Олимжоннинг чинакам юлдузли онлари бўлди.

Мен Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Қашқадарёнинг чироқ тез-тез ўчиб қоладиган узоқ қишлоқларида хонанданинг соатлаб микрофонсиз қўшиқ айтганига гувоҳ бўлганман. Ва яна бир бор чинакам санъатнинг мезони фақат кучли овоз, тоза нафас бўлиши шарт экан, деган фикрга келгандим.



Олимжон шунчаки қўшиқ айтмайди. Борлиқни унутган мисол бутун вужуди билан куйлайди. Тинглаётиб, кўз илғамас қаерларгадир учиб кетаётгандек ҳис қиласиз, ўзингизни. Бир неча кунгача унинг таъсиридан чиқолмайсиз. Энг муҳими, хонанда қўшиқ матнига жиддий эътибор беради.

- Катта санъатдаги илк ижодларимдан бири Имом Бухорий ҳақидаги қўшиқ бўлган. Ойлаб, китоб титганман. Авлиё бобомизнинг фалсафасини тушуниб, тўплаган ҳадисларининг мағзини чақишга уринганман. Устозларимиз куйлаган мумтоз қўшиқларини ўрганиш жараёнида ҳам ҳар бир сўзнинг маъносини луғатдан қарайман. Билим ва ҳайрат, кўнгил уйғунлашган бир ҳолатда яратилади асарларим, - дейди хонанди.

У оиласига ҳам худди ижоди сингари ниҳоятда талабчан. Азим Китобнинг энг олди қизларидан бири, ҳам гўзал, ҳам оқила Ҳулкарни Олимжоннинг онаси, раҳматли Шаҳрибону ая келинликка ўзлари танлаганлар. Қайнона - келин эмас, онабола эди улар. Санъатсевар, адабиётсевар оилага бека бўлганлиги учун Ҳулкар ўз тақдиридан миннатдор. Турмуш ўртоғининг санъатини қадрлайди. Унинг ижоди самарали бўлиши аввало оила тинчлиги, хотиржамлигига боғлиқ эканлигини тушунади. Фарзандлари Ойбек, Одилжон ва Маҳзунабону ҳам санъатга, айниқса, мумтоз қўшиқларга қаттиқ меҳр қўйишган. Гўдаклигидан қўшиқ хиргойи қилиб юрадиган Ойбек мусиқа коллежида таълим олмоқда.

**- Санъат оламида машҳур бўлиш осонми? - сўрайман Олимжондан.**

- Билмадим, - бироз ўйланиб жавоб берди хонанда.

- Мен барибир тезроқ танилиш, машҳур бўлиш учун саҳнада сакраб, енгил-елпи мазмунсиз нарсалар айтолмайман. Балки, бугун ёшларимиз замонавийликка интилиб, мумтоз қўшиқларни умуман тингламаётган бўлиши мумкин. Лекин, бу ўткинчи ҳолат. Мумтоз қўшиқчилик асрлардан асрларга ўтиб, сайқалланиб келаётган боқий санъат. У инсон маънавиятини юксалтиради, тафаккурини, дунёқарашини кенгайтиради. Она алласи каби мумтоз санъатга муҳаббат ҳам оилада шаклланади. "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бежиз айтилмаган. Фарзанди баркамол инсон бўлишини истаган ҳар бир ота-она аввало унда санъату адабиётга меҳр уйғотишга жиддий эътибор бериши керак.

Олимжон, -"Ижоднинг бош мавзуси одамларни мулоҳаза юритишга ундайдиган фалсафа бўлиши керак",- деб ҳисоблайди. Қалб кечинмалари, севги дардлари, юрт ишқи билан айтган қўшиқлари дарё мисол мавжланишини орзу қилади.

**Ҳулкар ҲАМРОЕВА**

# ГУЛСАРАНИНГ БЕШИНЧИ ФАРЗАНДИ

***«Бахт-иқбол...ҳуқуқига эгаман» танловига***

Эр-хотинни оиланинг қўш ҳўкизи, дейишади. Ота-боболаримиз хўб топиб, ҳаётий тажрибаларидан олиб бу нақлни айтганлар. Ҳар иккаласи "рўзғорим, бола-чақам" деб жон куйдирмаса рўзғорда қут-барака бўлмайди. Бу борада эр оиланинг устуни бўлиши керак. Рўзғорнинг аксарият юки унинг елкасида бўлади. Бироқ у ҳам ишламаса, кимларнингдир юмушини қилиб, топган тўрт-беш сўмини ҳам "шайтоннинг суви"га сарфласа бундан ёмони йўқ. Эр шундай бўлгач...

Гулсара уч қиз, бир ўғилни едириб ичириш, кийинтириш азоблари ёлғиз ўзига қолганлигини ниҳоят англади. Рўзғор тебратиш чораларини излади. Бозорга чиқиб у-бу нарса олиб сотишга, чой-чақа топишга киришди.

Бозор ўз номи билан бозор-да. Иш билгунча тил бил, деганларидек эринмасдан арзонга олиб, сал нарх қўйиб сотсангиз ҳарқалай озми-кўпми тирикчилигингиз ўтиб туради. Гулсара ҳам шундай қиладиган бўлди. Савдо-сотиқ қилиб рўзғорининг кам-кўстини тўлдириб турди.

Кунларнинг бирида у автобусдан тушиб, уйига қайтаётганди, бекатда юзи хомуш, кўзлари изтиробли, қўлида тугунча ушлаган саккиз-тўққиз ёшлардаги қизалоқни кўриб қолди. Она она-да. Қизчадан қаерга бораётганини сўради.

- Учқизилга, холамларникига бораяпман, - деди қиз хўрсиниб. - Хуршида, Дилфуза деган холаларим яшайди, шу ёқда. Уйларини билмайман.

- Отинг нима?

- Мадина.

Гулсара Мадинани эргаштириб, унинг холаларини излади. Лекин Хуршида, Дилфузалар Мадинанинг холалари эмас, балки онасининг шунчаки танишлари экан. Улар қизчани хушламади, холинг не деб сўрашмади ҳам.

Гулсара уни юпатиб, уйига олиб келди. Ювинтирди, овқатлантирди, хушмуомалада бўлди. Мадинадан онаси кимлигини, қаерда яшашини сўраб, қалбига қўл солди. Маълум бўлишича, онасининг исми Зарина бўлиб, ҳозир унинг қаерда яшаётганлигини билмас экан. Света, Наташа исмли опалари борлигини, онаси уларни болалар уйига топширганлигини эслади. Мадина онаси билан Ангор туманида кимнингдир уйида турганлигини, сўнгра онаси қаёққадир чиқиб кетганлигини айтди. Гулсара қизни ортиқча безовта қилмади. Фарзандларига Мадинани ўкситмасликни, унга опа-сингилдек муносабатда бўлишни тайинлади.

Инсон зоти йўққи, ширин сўз, меҳр-саховатга интилмаган. Айниқса болалар ҳамиша илиқ фикрлар оғушида бўладилар. Феруза, Дилфуза, Фарҳод ҳамда Дилдоралар Мадинани ўзларининг қариндошларидек қабул қилишди.

Гулсара Мадинани "балким онаси ёки яқинлари ахтариб юргандир" деган ўй билан уни ички ишлар бўлимига олиб бориб, воқеани тушунтириб берди. Бўлимда қизчани олиб қолишмоқчи бўлишди. Мадинанинг кўзлари ёшланди, Гулсаранинг раҳми келди.

- Бўлмаса, яқинлари топилгунча менинг уйимда яшаб тура қолсин, бирон оғайниси келса олиб кетар, - деди Гулсара. Бу фикр вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлинмасининг инспекторига ҳам маъқул тушди. Гулсара Мадинани уйига олиб қайтди. Қиз оилага анча ўрганиб қолди.

Бир куни ички ишлар бўлими вакили Мадинани болалар уйига жўнатишни таклиф қилди.

- Қизни ўзимга фарзанд қилиб оламан, - деди Гулсара қатъий оҳангда. - Улар қизнинг ҳужжатларини қонуний расмийлаштириш лозимлигини таъкидлашди. Гулсара маҳаллага, васийлик ва ҳомийликка олиш комиссиясига, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳамда соғлиқни сағлаш бўлимларига эринмасдан қатнади. Ва ниҳоят қизни ўз қарамоғига расмийлаштириб олди. Ҳозир Мадина Гулсара Тўхтаева хонадонида бешинчи фарзанд бўлиб камол топмоқда.

- Мадина оиламизга меҳр қўйиб, қизларим билан опа-сингилдай меҳрибон бўлиб, ўрганиб қолди, - дейди Гулсара опа. - Баъзи қўшниларим: «Сизнинг қизларингиз бор, Мадинани бизга бера қолинг»-дейишди. Кўнмади. Мадина мактабга қатнаяпти. Ўқишлари яхши.

Баъзан кўча-кўйда ёш боласини ураётган, ҳақоратли сўзлар билан дашном бераётган аёлларни кўрсам, боласини ташлаб кетган оналар ҳақида эшитсам улардан нафратланаман. Гулсаранинг раҳмдиллигига, болажонлигига эса "офарин" дегим келади.

Гулсаранинг ўзи ҳам серфарзанд оилада туғилиб-ўсган, яхши тарбия кўрган. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганлари шу бўлса керак. Отаси Худоёр бобо, онаси Хосият момо ориятли, имон-эътиқодли кишилар. Ўғил-қизларини ҳалол меҳнат билан меҳр-мурувватли қилиб ўстиришган.

Бу оламда яхшилик қилиш, адашиб қолган ёки қаровчиси йўқ болаларни ўз тарбиясига олиб меҳр-мурувват кўрсатиш, эзгулик каби сир-синоатлар ҳам бор. Шуларни ҳис этиб, эзгуликка эш бўлиб яшаш эса катта бойлик. Дилда меҳр-мурувват, келажакка ишонч бўлса қийинчиликлар ўтади, ғамлар унутилади. Гулсаранинг бешинчи фарзанди - Мадина ҳам ўсиб-улғайиб, бахт-иқболга эришади. Чунки у ҳароратли, шафқатли оилада камол топмоқда. Меҳрга йўғрилган юраклар бор бўлсин.

**Дўстмурод НОРМУРОДОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Термиз тумани.**

# ИБРАТЛИ ОИЛА СОҲИБИ

***Яхшилардан сўз очдик***

Эшмурод Элмуродов ўтоловли жанг майдонларидан соғ-омон қайтгач, ўқитувчилик касбини давом эттирди. Қўшни қишлоқдаги пиллакор қиз билан танишган жангчи-педагог 1948 йилда ўз севгилиси Ширин билан муҳаббату тақдир риштaларини бир умрга боғлади. Эр йигитнинг боши иккита бўлгач, унинг кейинги бахт-омади кулиб боқаверар экан. Уй-рўзғоридан кўнгли тинчиган Эшмурод Элмуродов ўзи истиқомат қилаётган қишлоқдаги 29-мактабда ишлаш билан бир вақтда СамДУни битириб, то кексалик пенсиясига чиққунигача ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, сўнгра директор бўлиб ишлади.

Умр йўлдоши Ширин ая билан ҳаёт қувонч-ташвишларини баҳам кўриб, беш ўғил, ўн нафар қизни тарбиялади, ўқитди, касб-ҳунарли қилди. 80 ёшли Эшмурод бобо умр йўлдоши билан юзга яқин невара-чевараларнинг суюкли бобо-бувиси бўлиб яшашмоқда.

**Насриддин бобо**
**ЭШҚУВВАТОВ,**
**Паст Дарғом тумани.**



ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

## Хайрулла Нуриддинов

### БАҲОР ҚАЙТАДИ

*Адирларга инди оппоқ нур,*
*Майин тонглар элтади сабо.*
*Боболарнинг тилида шукур,*
*Орзу берар олисдан садо.*

*Орзулари оппоқ одамлар,*
*Шахдам-шахдам одим ташлайди.*
*Оллоҳ назар ташлаган дамлар.*
*Эркатой эл бўлиб яшайди.*

*Яшамоқдан кўпдир мақсади,*
*Умидлари ундан-да бисёр.*
*Юмушларин йўқдир ададди,*
*Бўш қолса-чи, айтади ёр-ёр.*

*Сен ҳам қўшил ушбу уммонга,*
*Орзуга сени у элтади.*
*Ён бермагин йўлда ёмонга*
*Ва умид қил: баҳор қайтади!*

### УМИДЛАР

*Онамни отамга учраштирган он*
*Яратган Эгамнинг ҳукми шул эди:*
*“Бу никоҳ туфайли туғилган инсон*
*Бўлгайдир албатта иймонли!” - деди.*

*Онамни отамга унаштирган зот*
*Юзида нур билан қиларкан дуо,*
*На давлат тилади, на молу бисот,*
*“Яхши фарзанд кўринг!” - деди у танҳо.*

*Онамни отамга узатган момо*
*Асрий ажинларин бирма-бир ёзиб,*
*Жойнамоз устида қилди илтижо:*
*“Набирам зотига бўлсин муносиб!”*

*Онамни отамга мос билган фалак*
*Энди қараб турар бошим узра жим,*
*Менинг эса нуқул юрагим ҳалак:*
*“Шунча умидларни оқладиммикин?”*

### БОЛАЛИГИМ

*Биринчи самолётнинг гувиллаган овози,*
*Тонг елида шитирлар варрагимнинг қоғози.*

*Қантак ўрик танида тирноқларим излари,*
*Ҳовли бошин ўраган нон ва райҳон ислари.*

*Букри тандир, тол ўтин, ўчоқ боши, обдаста,*
*Ғишт терилган йўлаклар бирам илиқ, ораста.*

*Сават тўла патир нон, косада қатиқ сузма,*
*Тўнкарилган пиёла, ичида сиқиқ ўсма.*

*Деразанинг рахида ушоқ тўла мураббо,*
*Мусичалар чўқилаб, лаззатланар бепарво.*

*Жомашовнинг бошида беланги бир улуғ зот,*
*Менга қараб жилмаяр: “Ҳали эрта, ухла, ёт”.*

### ДАЪВАТИМ

*Келажаксиз умиддан умидли чўпчак яхши,*
*Нопок семирган этдан ҳалол қоқсуяк яхши,*
*Таънали паловлардан бетаъма хўрак яхши,*
*Ўзбекни кўролмаган ўзбекдан кўппак яхши!*

*Қодирийнинг Кумуши армон уммонида тош,*
*Усмон, Фитратлар қўймиш ҳасад кундасига бош.*
*Бахил ҳатто йиғласа - чиқмас кўзларидан ёш,*
*Ўзбекни кўролмаган ўзбекдан кўппак яхши!*

*Шер қоқилиб йиқилса - қашқир галасида тўй,*
*Ёв қочганда “ботир” лар терак каби чўзар бўй,*
*Товонтешар кўнгизнинг асл қуроли - бадбўй,*
*Ўзбекни кўролмаган ўзбекдан кўппак яхши!*

*Бирлашмасдан қақшади темурсиз темурзодлар,*
*Ўз суягин хорлаган султонларни ким ёдлар?*
*Аҳил элдан чиққанни кўтаради Ғиротлар,*
*Ўзбекни кўролмаган ўзбекдан кўппак яхши!*

## Тарсаки Еган Болакай

***Тарбия соати***



Кечки пайт. Ниҳоят мен кутган автобус лиқ тўла одам билан бекатга келиб тўхтади. Бир неча сонияда юки енгиллашган автобус нафасини ростлашга улгурмай яна оғирлашди. Туртиниб-суртиниб ўртага ўтиб олдим. Олдинги эшикдан бир қўлида тўр халта, иккинчиси билан чамаси 4 ёшли боласини етаклаганча бир келинчак чиқди. Кўпчиликнинг қистови билан ўғлини менинг ёнимдаги бўш ўриндиққа ўтиришга йўллаб, ўзи икки қадамча нарида туриб қолди. Чунки тиқилинчдаги вазият шуни тақозо этарди. Болакай ўриндиққа ястаниб ўтириб олгач, менга, қарама-қарши ўриндиқдаги йўловчиларга бир-бир разм солиб, аланглай бошлади ва одамлар панасида турган онасига мўралаб: “Ойи, бу ёққа келинг”, - деди йиғламсираб. Келинчак: “Ўтиравер”, - деб жавоб қайтарди. Бола шарт ўрнидан туриб бориб, онасининг пинжига тиқилди. Онаси энгашиб паст овозда ўшқирди: “Бор жойингга ўтир”. Бола ғингшиб унга баттар ёпишди. “Ҳали уйга бор, гўштингни бурда-бурда қиламан”, - ўғлининг қулоғига шипшиди келинчак.

Бола ҳам бўш келмади. Бошидаги шапкасини олиб оёқ остига ташлади. Жаҳли чиққан келинчак шапкани олиш баробарида унинг юзига 2-3 тарсаки туширди. Нимагадир у йиғламади. Аксинча жажжи қўлчалари билан ўзини ҳимоя қилган бўлди. Икки бекатдан кейин келинчак боласи билан тушди. Автобус ўрнидан қўзғаларкан, ойнадан уларни кузатдим. Келинчак ўғлининг елкасига турта-турта олдига солиб йўлакдан кетиб борарди...

Бир қарашда она ва бола ўртасида юз берадиган оддий бир манзарадек туюлган бу ҳолат ҳеч кимнинг эътиборини тортмади ҳам. Тўғри, онасидан бирор маротаба бўлса ҳам тарсаки емаган, отасидан танбеҳ эшитиб, калтак емаган бола камдан-кам топилади.

Ён қўшнимизни болалигидан бери биламан. Жуда эрка ва тантиқ бўлиб ўсди. Айтсам ишонмайсиз. Ёлғиз фарзанд бўлгани учун 4-5 ёшида ҳам эркаланиб онасининг кўкрак сутини эмарди. Агар шу хумори босилмаса, тўс-тўполон кўтариб қўлига илашган нарсани ҳовлига улоқтирарди. Бу ҳолдан ота-онаси завқланишарди. Уриш у ёқда турсин, чертишмасди ҳам. Лекин баъзида отаси маст бўлиб келиб дағдаға қила бошласа, Акмал дир-дир титрарди. Шу боисданми баъзида уйқусида алаҳсираб ота-онасини қўрқитганини кўп бора эшитганман. Мактабга қатнай бошлаган пайтда ҳам отасининг тиззасига ўтириб овқатланарди. У бир амаллаб мактабни битирди. Отаси таниш-билиш қилиб институтга жойлаб қўйди. Ота сарсон, она сарсон 3-курсгача кўтар-кўтар қилиб ўқитишди. Охири ўқишни ҳам ташлаб кетди. Ҳозирги кунда ола хуржун елкада, на касбу кор, на ҳунарнинг этагидан тутмаган бир пайтлардаги эркатой бола одамларнинг кундалик юмушларини қилиб, топган чой-чақа пулига учма-уч рўзғор тебратиб юрибди. Уни ҳаётга чидамсиз, мўрт, сабр-қаноатсиз бўлишига сабабчи бўлган омил, айнан ҳаддан зиёд эркалатиш бўлди.

Яна бир оилани биламан. Бола-чақаси кўп эди. Улар тўполон, инжиқлик қилишса она танбеҳ берса-да, ота салобат билан кўз қирини ташласа бас, бари жимиб қоларди. Ҳозир уларнинг барчаси олий маълумотли. Ҳар-хил соҳа бўйича мутахассис. Ота оламдан ўтиб, ота ўрнини босишди. Оналарини ҳурмат-иззат билан кафтларида тутишади.

Яқинда бир онахон билан гаплашиб қолдим. Мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб кўп йиллар ишлаган экан. “Ҳаётий тажрибамдан шу нарсани англадимки, - деганди гап орасида онахон, - 25-30 та болани ўқитардим. Ҳар бирининг феъл-атворига қараб алоҳида ёндашардим. Баъзи болалар билса-билмаса ҳам дадил-дадил гапирарди. Баъзилари билганини ҳам эплаб гапиришмасди. Оёқ-қўллари қалтираб ҳаяжон босарди. Зимдан кузатсам, ўша дадил гапирадиган болаларнинг ота-онаси танбеҳни ҳам, меҳрни ҳам меъёридан оширмас экан. Қўрқоқ боланинг оиласида эса болани қўрқитиш, турткилаш, ҳақоратли сўзлар билан сийлашаркан. Шу боис мурғак гўдакнинг руҳияти пароканда, қалби ўйноқи бўлиб қоларкан”.

Хулоса ўрнида автобусдаги вазиятга яна бир бор мурожаат этсак. Хўш, ким кўпроқ айбдор? Жамоат жойида боласининг қулоқсизлигидан изза бўлиб, аламини тарсаки билан олган келинчакми, ёки онасига ўжарлик қилган болами?

Менимча, юз фоиз она айбдор. Чунки бола илк бор кўзини очиб онасини танийди. Ундан бир қадам ҳам ажралгиси келмайди. Уни ўраб турган борлиқ бегона, одамлар ҳам онасичалик яқин кўринмайди.

Эсимда, 4 ёки 5 ёшда эдим. Қиш... Сандал атрофида бувим, онам, опаларим эрталабки нонуштани қилдик. Онам қаёққадир кетишга ҳозирланди. Мен йиғлашга тушдим. “Мен ҳам бораман!” - деб. Бувим мени маҳкам қучиб, бағриларига босдилар.

Онам: “Ҳозир келаман, ҳозир келаман”, дея чиқиб кетдилар. Ўша манзара ҳалиҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Бола бўлмасам, онам мактабга бориб дарс бериб келиши, тирикчилик учун ишлаши шартлигини тушунмасмидим?.. Автобусдаги тарсаки еган бола балким таёқ ейишга кўникма ҳосил қилгандир. У улғайиб мен каби беғубор болалигини, онасини соғинч билан эслармикин?! Балким бу воқеа эсидан чиқиб кетар. Тағин ким билсин.

Баъзида кўча-кўй, бекатларда 3-4 та бўлиб санқиб юрган болаларга кўзимиз тушади. Улар пана-пана жойларга ўтиб ичига ҳаво тўлдирилган целлофанларни ҳидлаётганини гувоҳи ҳам бўламиз. Оиласидан, ота-онасининг турткилашлари, калтакларидан безган болалар шулар эмасми, аслида?! Бир куни бекатда 9-10 ёшли бир бола мендан пул сўради. “Уйинг, ота-онанг борми?” - деб сўрасам:“Уйдан чиқиб кетганман. Отам ичиб келиб мени ва онамни калтаклайди”, - дея жавоб берганди. Ҳар қандай вазиятда ҳам бола болалигини қилганда, биз катталигимизга боришимиз, унинг беғубор дунёсини заҳарламаслигимиз лозим, деб ўйлайман мен. Бола самимий дўст, керак бўлса ҳурматини жойига қўйса ҳам ота-онасига нисбатан нафрат руҳида камол топиши мумкин. Бир танишим шундай деганди: “Мана ёшим қирқдан ҳам ошаяпти. Отамни измидан чиқмайман. Ҳурматини жойига қўяман. Лекин отамнинг овозини эшитсам, юрагим бир қалқиб кетади. Чунки отам болалигимда кўп урарди”. Кўриниб турибдики, фарзанд ўз бурчини аъло даражада бажарса-да, кўнглида отаси қолдирган жароҳатлар битмаган. Бир умрга битмайди ҳам. Ҳеч қачон фарзандимиз биздан, биз фарзандларимиздан йироқ бўлмайлик. Ўртамизда чегара бўлган ҳолда меҳрли бўлайлик.

**Моҳида ТЕМИРОВА**

## МЕҲРИ ДАРЁ ХАЛҚИМ БОР

**Миннатдорчилик**

Мен иккинчи гуруҳ ногирониман. Яқинда Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли “Она ва бола” сиҳатгоҳига бориб 18 кун дам олиб келдим. Сиҳатгоҳдаги шарт-шароит, шифокору ҳамшираларнинг ширин суханлигидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Шундай ажойиб жамоанинг сардори бош ҳаким Мурoджон Эшонқуловга миннатдорчилигимни билдираман. Шу билан бир қаторда дам олиб келишимда ҳомийлик кўрсатган “Рапқон” ш/х.ги раиси А.Мадаминовга ҳам раҳмат. “Меҳр ва мурувват” йилида биз ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор учун давлатимиз пешволаридан чексиз миннатдорман.

**Гулихон ЖЎРАЕВА,**
**Фарғона вилояти.**

# СЕВГИДА САБР-МАТОНАТ ЛОЗИМ

**Эй,** юрагининг туб-тубида дард-ҳасрати чашмадек тошган юртдошим! Бир қизни севиб қолибсан. Лекин онанг бу фикрингга тиш-тирноғи билан қарши экан. Шу ўринда онангга ҳам айтадиган гапим бор.

Эй, Бекзоднинг онаси! Ўғилни туғиб, боқиб катта қилибсиз. Оналик бурчингизни адо этибсиз. Ўғлингизнинг ниятига қарши турманг. Бу ҳам сизнинг оналик бурчингиздир.

Эй, Бекзоджон! Сен севгинг қадрига етишинг, ардоқлашинг керак. Бунинг учун йўлингдаги ғов ва тўсиқлардан оқилона айланиб ўтмоғинг даркор. Бу борада ёрдам берадиган дўстларинг, биродарларинг, қўни-қўшни, қолаверса, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар қўмитаси қўл қовуштириб туришмайди. Ўзингни дадил тутгин. Йигит йигитдек бўлиши керак. Сира тушкунликка тушма. Бахтли бўлишингга тилакдошмиз. Муродингга ет, Бекзод!

**Юнус ТОЛИПОВ,**
**Меҳнат фахрийси.**

**Бекзод!** Эҳтимол тенгдошдирмиз. Балки, бу гапларим сизга оғир ботар, аммо, сизга шуни айтишни истардим. Мухаббатингиз чин экан. Бундай севгига инсон дунёда бир марта дуч келади. Дилноза иккингиз турмуш қуришингиз учун ҳали анча тўсиқларни енгиб ўтишингизга тўғри келади.

У ҳам сизни жонидан ортиқ севар экан. Бундай севгини хор қилсангиз унинг уволи тутиши мумкин. Яна бир нарсани унутмангки, яқин қариндошлар ҳеч қачон турмуш қурмасликлари керак. Чунки фарзандларингиз майиб-мажруҳ туғилиши мумкин.

Бу тиббиётда аллақачон исботланган-ку! Буни холангиз ҳам тушунса керак. Шуни била туриб қизларини бахтсиз бўлишини исташармикан? Шунча қаршиликларни енгибсиз, ота-онангизни кўндиришга яна бир бор ҳаракат қилинг. Ахир ҳамма ота-оналар ҳам фарзандини бахтли бўлишини истайди-ку! Барибир охири рози бўлишади. Сизни севган ва кутаётган маъсума қизни алдаб кетманг. Бошқа қиз билан ҳеч қачон бахтли бўлмайсиз, шуни унутманг!

**ҲАМИДА,**
**Тошкент шаҳри.**

*"У менинг борлиғим, ҳаётим" - 11-сон*

**ЭСЛАТМА: Ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Дилноза исмли қизга ишқим тушиб қолган. Усиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Лекин ота-онам холамнинг қизига уйлантиришмоқчи. Бир куни онам: "Ё мени дейсан, ё ўша манқуртни", - деди. Бошим қотиб қолган.**

**БЕКЗОД**

**Бекзоджон,** сизга биринчи берадиган маслаҳатим: муаммоларингизни ўзингиз ҳал қилишга ҳаракат қилинг. Албатта, катталарнинг, яқинларингизнинг фикрларини билиш, уларга қисман асосланиш ҳам керак.

Бу оламда бахтли бўлиш, орзуга эришиш ҳамманинг пешонасига ёзилмаган. Эҳтимол, бу сизнинг бардошингиз, саботингизни синаш учун тақдир йўллаган илк синовдир? Демак, ҳозирги ҳолатингиздаги илк қадам- сабр-матонатли бўлиш.

Токи келажакда айни шу қарорингиз учун бир умр афсус чекиб юрманг.

Сизни дунёга келтирган, келажагингиз, ўқишингиз учун бошқа ака-укаларингизнинг ризқини қияётган ота-онангизнинг сиздан умидлари катта. Бу билан, севгингиздан буткул воз кечинг, ота-онангиз танлаганига уйланинг, дейишдан йироқман. Балки жиянингиз ўз ота-онаси билан очиқ-ойдин гаплашиб олиши керакдир.

Зинҳор базинҳор тушкунликка тушманг, яхши ният қилинг, яхши ният - ярим мол. Бир танишим ҳам қариндошига бешиккети қилинган қизни севиб қолган эди. Қизнинг ота-онаси уларнинг тўйига розилик бермади. Орадан тахминан 7-8 йил ўтгач эса (Бу пайт йигит 28-29, қиз 27 ёшларда эди) ота-оналарининг оқ фотиҳалари билан турмуш қуришди. Ҳозир-да бир қизчалари ҳам бор. Демак, сабр қилсангиз, алал-оқибат мақсадингизга эришишингиз мумкин. Орзуларингиз армонга айланишига йўл қўйманг.

**Зилола НОРБОЙ қизи,**
**Тошкент шаҳри**



**Азиз** дўстим Бекзод! Сизга нисбатан қалбимда меҳр олови ёнди. Севгига содиқлик марднинг ишидир. Ҳадиси шарифда айтилишича, ҳар бир киши кўнглига ёққан киши билан яшаши керак. Сиз севгилингизга садоқатли бўлинг. Дунёда энг оғир гуноҳ севикли ёрининг кўнглини ўкситишдир. Агар сиз ота-онангиз хоҳлаган қизга уйлансангиз, икки қизнинг бахт аталмиш тоғини қулатган бўласиз. Кези келиб ота-онангиз хатоларини англаб етади. Дилноза билан бахтли бўлишингизга ишончим комил.

**МОҲИРА,**
**Термиз шаҳри.**

**Онажон!** Бекзодни тушунишга ҳаракат қилинг. Ахир у сизнинг жондан азиз ўғлингиз-ку.

Дилноза ҳам ўғлингизни деб совчиларга рад жавобини бериб, матонат билан кутяпти. Уни ҳам тушуниш керак. Мен ҳам бир қизни севиб қолгандим. Худога шукрки, ота-оналаримиз тўғри тушунишди. Сиз ҳам шундай йўл тутсангиз ёмон бўлмасди. Дилингизга туккан келин-синглингизнинг қизи экан. Қариндошлар никоҳи қандай оқибатларга олиб келишидан хабарингиз бўлса керак. Худо кўрсатмасину набирангиз ногирон бўлиб туғилса-чи? Унда ўғлингизнинг бир азобига минг азоб, изтиробига изтироб қўшилмайдими? Бунда ўз "ҳиссангиз" борлигини била туриб қийналмайсизми? Виждон азоби-чи? Онажон, болажонингизни икки ўт орасида бунчалар эзилишига йўл қўйманг.

Дилноза ҳам ақлли, фаросатли, босиқ қиз экан. Бунақа қизларни келин қилиш шараф-ку. Уни ҳечам қарғаманг. Ахир у ҳам кимнидир жондан азиз боласи. Ўғлингизга яхшилаб разм солинг! У нега озиб-тўзиб кетяпти? Сиз Бекзодни ортиқча қийнаб қўймаяпсизмикан?

Ўтинаман Онажон! Қалби орзуларга лиммо-лим ёшларга оқ фотиҳа беринг.

**Низом НОРОВ,**
**Яккабоғ тумани,**
**Нов қишлоғи.**

Акс-садо

# БАХТЛИ ҚИЗЛАР САФИДА БЎЛИНГ

**Тенгдошим Моҳирахон!** Бокира қиз ҳис-туйғулар оғушида яшайди. Қалбининг тўрида яширинган энг нозик туйғулари гоҳ-гоҳ жунбушга келса-да, сездирмайди бировга.

Инсонни қанақалигини ташқи қиёфасидан билиб бўлмас экан. У маъсум нигоҳлар бахтингизни яна бир бор оёқ ости қилиш учун бир ниқоб бўлган холос. Ўзбек қизлари ўзининг шарм-ҳаёси, иффати билан ажралиб туради. Шундай қизлар борки, ҳусну-жамолига, қадду-бастига қараб тўймайсан. Афсуски шу ҳуснни ниқоб қилиб олиб, фоҳишалик кўчасига кириб кетаётган қизлар ҳам йўқ эмас.

Моҳирахон, тушкунликка тушманг. Қаддингизни баланд тутинг. Сизга ёмонликни раво кўрган бебурд йигит қилган ишидан пушаймон бўлсин.

**Нохуш тасодифлар этса-да ҳужум,**
**Юксак туйғуларни этмагай поймол.**
**Оҳудек латифу гўдакдек маъсум,**
**Йўлбарсдек нозиктаъб бўлади аёл.**
**Эркаклар қад ростланг алп қоя мисол,**
**Сиз билан забт этсин дунёни аёл.**

Дунё кенг, шунга яраша ғам-ташвишлари, шодлигу қувончли кунлари бисёр. Бу ўткинчи дунёда меҳр-оқибат ҳар бир инсонга ҳамроҳ бўлсин. Моҳира, сизга сабр-бардош, туганмас бахт, бир гўзал оиланинг суюкли келинчаги бўлишингизни тилайман.

**Шаҳноза БОЕВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Пешку тумани.**

*"Аёл зор бўлмасин бир мард йигитга" -9-сон*

**Болалигимнинг беғубор палласи, 8 ёшимда отамнинг бир қариндоши томонидан топталди. Буни ҳеч кимга айтолмасдим. Охири севган йигитимга айтишга журъат этдим. У менга оқ кўйлак кийгизишни ваъда этиб, бир куни ифлос ишини амалга оширди. Ҳомиладор бўлиб қолдим. Йигитнинг йўриғи билан болани олдириб ташладим. Энди у бошқа қизга уйланаётган эмиш. Мен яна зулмат ичида қолдим.**

**МОҲИРА**
**Қарши шаҳри.**



**Азизим Моҳирахон!** Сизнинг дардингизни ич-ичимдан ҳис этиб имконим доирасида фикр билдиришга жазм қилдим. Мени ўзингизга дилдош дўст деб қабул қиласиз, деган умиддаман. Бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар. Ҳаётингизнинг ёмонликларга юз тутишига эртани ўйламаслигингиз сабаб бўлган. Маълум маънода тузатилмас хатоларга йўл қўйибсиз. Сизни шунчалик ғам дарёсига ғарқ қилган биринчи йигит ҳақидаги воқеалар хусусида тушунарли қилиб ёзмабсиз. Сон-саноқсиз учрашувларнинг нима кераги бор эди? Агар бу ҳақда дастлабки учрашувдаёқ унга айтганингизда эди, балки у йигитнинг юрагида ишончга йўғрилган муҳаббат уйғониб сизни бахтли қилармиди? "Мен ҳам гарчи ҳеч ким унга қарамаса-да, рашк қилардим", дебсиз. Уни пастга уришга асло ҳаққингиз йўқ. Севги учун, чирой деганлари аҳамиятсиз. Сизни айбдор қилишимнинг яна бир муҳим томони- жигарпорангиздан воз кечганингиз! Биринчисида ёшлигингизга бориб- сиз, дейлик, иккинчи ҳодисани нега уйдагиларингиздан яширдингиз? Қонуний йўл билан иш тутсангиз ҳам бўларди-ку.

Ўша йигитга ҳам айтар сўзларим бор. Эй виждонсиз йигит! Эртанги кунингни ўйламадингми?! Шу қиз ўрнида қизинг бўлса нима қилардинг?! Нега жар ёқасида турган қизни жарга итардинг? Сенинг бу қилмишинг жон бераётган инсоннинг кўксига ўқ отиш билан баробар-ку! "Сенга оппоқ либос кийдираман!", деган алдовларингни қандай тушуниш мумкин? Бу сўзларинг осмондаги ойни олиб бераман деганга ўхшайди.

Моҳирахон! Мард йигитлар йўқ!, дебсиз. Ахир, ҳаётни ушлаб турган мард йигитлар эмасми? Баъзи нодон кишилар айрим қизларни назарда тутиб барча қизлар шаънига тош отади. Шундай қилиш шартмикан? Иффатни либос, пардоз, муҳаббатни кўзларига сурма қилган қизлар анчагина. Сиздан илтимос, бахтсизлик ўқидан қалби яраланган бир йигитнинг дардига малҳам бўлинг. Биласизми, Моҳира исмли қизлар орзуларга берилувчан бўлади. Меъёрсиз меҳр истайдилар. Озгина ширин сўз илинсангиз, жонини-да, беришга тайёр бўлади. Яна бир нарсани айтай, Моҳиралар ўта мағрур ҳамда иродалидирлар. Илоҳим бахтли қизларнинг сафида сиз ҳам бўлинг.

**М. БЎРИЕВА,**
**Термиз шаҳри**



# УНУТМОҚ ОСОНМАС СИЗЛАРНИ...

Синфдош дўстимиз Раззоқберди Каримбердиев вафот этганда кўпчилигимиз ишонмадик. Аммо келганимизда уни аллақачон дафн этишган экан. Буни эртасига эшитдик. Афсусимизнинг чеки йўқ эди. Чунки, у мактабда синфбошимиз бўлганди: "Келинглар, синфдошлар бир тўпланишайлик. Ахир дийдор ғанимат-ку. Умримиз ҳам ўтиб бораяпти", деб ҳаммани йиғиш учун елиб-югуриб юрганди. Балки у умри ниҳояланаётганини сезган, шу боис ҳам биз билан дийдорлашиш учун интилганмиди?...

Раззоқбердини Ғазалкент шаҳрида тўғри сўзлиги ва меҳрибон бўлгани учун ҳурмат қилишарди. У ёрдам сўраганларга бажонидил ёрдам берарди.

У меҳрибон ота, яхши оила бошлиғи эди. Бир олам орзулар оғушида рафиқаси Зулҳумор билан беш нафар фарзандни ўстиришаётганди. Тўйлар қилмоқчи эди. Афсуски фарзандларини жонидан ортиқ севган синфдошимизга тўй кўриш насиб этмади. Уч нафар қизларига бахт тилаб остонадан кузатиш, уларнинг бахтидан қувониш насиб этмади.

Яқинда унинг кенжа қизи Шаҳнозани учратиб қолдим. Отаси билан ўқиганим учун кўзига оловдек кўринган бўлсам керак. Йўл бўйи отаси ҳақида суҳбатлашиб, сўраб-суриштиришдан чарчамади.

Мен қизгинанинг соғинч ва армонга тўлган кўнглини юпатиш учун : "Агар сизлар ўқимишли, отангиз каби яхши инсонлар бўлсангиз унинг руҳи шод бўлади, қизим! Сизлар отангиз учун ҳам яшашингиз керак", - дейишдан бўлак сўз топа олмадим.

Раззоқбердининг хотини Зулҳумор оқила ва меҳрибон аёл. Унга рўзғор юкини тортишдан ҳам, болаларининг мунгли нигоҳларига қараш жуда қийин. Бироқ, оталаридек ақлли фарзандлари унинг ёнига кириб қанот бўлишаяпти. Ҳали отаси охиригача қуриб битказа олмаган уйларини ўғли битиради, у кўролмаган тўйлар ҳам бўлади. На чора... Ҳаёт ана шундай давом этавераркан армон ва шодлик бир-бирига навбат берган дунёда яшайверарканмиз. Синфдошларимиз Раззоқберди, Лола, Абдували, Паҳлавон, Қаҳҳорбеклар гулбаргларидек армон билан бу ҳаётдан узилиб кетдилар... Мен бу рўйхатнинг давом этишини сира истамайман. Улар яхши инсон эдилар, биз учун дўстларимизни унутмоқ эса осонмас. Илойим жойлари жаннатда бўлсин. Энди уларнинг яқинларига, фарзандларига сабру-тоқат тилаймиз.

**Б. САЙДАЛИЕВА**



**Поччамиз Мирасилов Соҳиббой Пўлатович!**

Сиз Салима опамиз билан тиним билмадингиз. Беш нафар фарзандингизни ўқитиб, катта тўйлар билан куёвлар кўрдингиз, келинлар олдингиз... Бир қучоқ набираларингиз қуршовида мамнун яшаётган эдингиз. Ўзга чиқиб пайғамбар ёшингиз билан набираларингиз тўйини ўтказмоқчи эдингиз-а? Афсус... Кўз очиб юмгунча ҳаммамизни доғда қолдириб кетишингизни ким ўйлабди дейсиз? Сизнинг ҳамма тўйларингиз октябр ойида бўларди. "Тўй-томошага шу ой яхши-да, ҳамма нарса етилган, тўкинчилик ойи", - дер эдингиз. Буни қарангки, бу дунёни шу ой бошланган кунларда тарк этдингиз. Чиндан ҳам ҳамма маъракаларингиз тўкин-сочинлик билан жуда чиройли ўтди. Сиз шинам уйлар қургандингиз, кексаликнинг кумуш дамларини шу уйларда осойишта ўтказишни ният қилардингиз.

# ЧИРОЙЛИ ЯШАБ ЎТДИНГИЗ...

Сизни сўнгги марта учратганимда жуда хурсанд эдингиз.

- Алишернинг ишхонасига бориб келаяпман. Табрикладингми уни? У прокурор бўлди. Борсам кабинетининг ёнига исму фамилияси, лавозимини ёзиб қўйишибди. Кўриб кўнглим тўлганидан йиғлаб юборибман.Мен болаларимнинг эл орасида, жамиятда мана шундай ҳурматли инсонлар бўлишини чин дилимдан сўрагандим. Шу кунларга етказганига шукр. У билан бир пиёла чой ичиб, дуо қилиб чиқиб келаяпман. Ҳаммага ҳам фарзандлари камолини кўриш насиб этсин, - дея тилак билдирдингиз.

Ўша машъум кундан бир кун аввал редакцияга қўнғироқ қилдингиз. Сиз газетамизни жуда яхши кўрардингиз. Мақолалар ҳақида фикрингизни кўп айтардингиз. Сиз анча талабчан, лекин кези келганда жуда меҳрибон ҳам эдингиз. Маслаҳатларингизни аямасдингиз. Бўстонлиқ туманидаги энг тажрибали савдо ходимларидан бири эдингиз, 40 йиллик меҳнатингиз давомида юзлаб шогирдлар етиштиргандингиз. Улар сизнинг вафот этганингизни эшитиб узоқ-яқинлардан йиғлаб етиб келишди ўша куни... Сиз ўғлингиз Жавлондан айрилганингиздан кейин анча эзилдингиз. Ташвишу ҳасратлардан анча толиққандингиз. Нафақат биз, балки ортингиздан чирқираб қолган фарзандларингизу Салима опам ҳам сўнгги сўзларингизни эшита олмай қолишди. Ҳамма қайнсингилларингиз сиздан рози эдик, яхши кўрардик. Бу ҳаётдан лолақизғалдоқ гулбаргидек кутилмаганда узилдингиз. Чиройли, ҳамма ҳавас қилгудек яшаб кетдингиз. Мана энди тоғлар этагидаги сокингина қабристонда ота-онамиз, севимли фарзандингиз Жавлон билан ёнма-ён ётибсизлар. Поччажон, илоҳим жойингиз жаннатдан бўлсин.

**Басира**

Одатда, оилада фарзанд туғилса, ота-онанинг кўнгли тоғ каби юксалиб, фарзандлари эрта-индин қаватига кириб, суянч бўлишидан фахрланиб юради. Сайёра опа ва Асқар домла (уни шундай дейишади) бирин-кетин




# ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИШ САВОБ





дунёга келган фарзандлари Ойгул, Гулнора, Акмал, Али, Акбар, Анвар ва Ҳасан-Ҳусанларни ўстириб, элга қўшганида улардан бахтли киши йўқ эди. Оддий, камсуқум, бировга қаттиқ гапирмайдиган Асқар домла Шофирконнинг зиёли, обрўли кишиларидан бўлиб уни ҳамма ҳурмат қиларди. Унинг шогирдлари бугунги кунда ҳам пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб, Асқар Нормуродовнинг руҳини шод этишмоқда.

- Раҳматли домлангизнинг руҳи, хотираси ҳамиша биз билан бирга, - дейди унинг турмуш ўртоғи Сайёра опа. - Худога шукр ўғил-қизларимнинг ҳаммаси эл корига яраб, ўзидан тинишган. Ўғилларимнинг тўнғичи Акмалжон отасининг ўрнига укаларига бош бўлиб, бизни хурсанд қилаяпти. Фарзандларимни дуо қилиб, соғ-омон ортимда қолишларини Аллоҳдан сўрайман. Аммо домлангиздан бағримиз ўртаниб юрганимизда бошимизга тўсатдан яна айрилиқ тушди. Эгизак ўғилларимнинг каттаси Ҳасанжон автоҳалокатга учраб, бизни куйдириб кетди. Тиниб-тинчимас, хушфеъл, юраги тоза, одобли бола эди Ҳасанжоним. Ерни, деҳқончиликни жон-дилидан суярди. Тенгқурлари: "Нима қиласан, жонингни қийнаб, акаларингга ёрдамчи ҳайдовчи бўлиб ишлайвермайсанми?" - деб кўп уқтиришарди. У бўлса: "Ерсиз туролмасам нима қилай? Далага боргим келаверади, экинларим чақираверади. Даламни бир кун кўрмасам соғинаман-да, онажон! Буни ўртоқларим нега тушунмайдилар-а?" - деб астойдил куюнарди.

Энди ўғлимдан невараларим Мадинабону ва Жамшиджонлар ёдгор бўлиб қолди.

Инсон ҳар қандай айрилиқжудоликка таскин излайди, чидайди. Сайёра ая ҳам армонли кўнглига таскин излаб, ўз-ўзини овутар экан, бу ёруғ оламдан эрта кетган ўғли Ҳасанжоннинг хотирасига суянади. Хайриятки, хотира бор. Инсон хотираси азиз, уни эслаш, ёд этиш эса хайрли ва савоб иш дейдилар.

**Ражаббой РАУПОВ**
**Шофиркон тумани**

# ДАДАЖОНИМНИ ЁД ЭТИБ

Мана дадажоним дунёдан ўтганларига ҳам 20 апрелда беш йил бўлади. Мен учун у киши худди ҳаётдек, бошқа шаҳарда кўп йиллардан бери яшаётганлигим сабаблими, ҳар замонда меҳмон бўлиб келаётгандек туюлади. Дадамнинг ёшлиги уруш даврларига тўғри келган. Барча қийинчиликларга бардошли бўлишимизни, нон қадрига етишимизни таъкидлардилар.

Начора, ўлим ҳақ, буни тан олмай иложимиз йўқ. Дадам ўғлим Нуриддинжоннинг туғилган кунида оламдан ўтганди.

Касал ётган пайтларида болаларимни ўқитишимни, онажоним, укаларимдан хабар олиб "мени ўрнимга оталик" қиласан деганларини ёдимдан чиқармайман ва айтган насиҳатларига содиқман. Дадажонимнинг касби оддий газ-электр пайвандловчи бўлибгина қолмай, тунукасозлик, мисгарлик, айниқса тракторчилик касбини ҳам билардилар. Уйимизда дадамдан устахона ёдгорлик бўлиб қолди, касбим темирйўлчи, аммо мисгарликни ҳам укаларим билан давом эттираяпмиз.

***Жойингиз жаннатда бўлсин отажон,***
***Порлоқ хотирангиз ҳамиша ёдда.***
***Оиламиз бўлиб бир тану бир жон,***
***Умрингиз давом этмоқда бизда.***

**Муҳиддин МИЗОМОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нарпай тумани.**

# РАЙҲОН ҲИДИ ТАРАЛАРДИ

Ойижон, бугун сиз туғилган кун! Афсус, бу фараҳли кунда бахтим кемтик!

Ажаб, юзларимда иссиқ нафасингиз ҳароратини ҳис этгандек бўламан. Нима бу? Тушми ё рўё?! Бу хаёл! Хаёлни яхши кўраман. Чунки у мени сиз ҳаёт бўлган чоғларга етаклайди...

Қачон сизни кўргани келсам, сиздан хурсанд инсон бўлмасди. Неварангизни бўйи чўзилиб, сизни йўқлаб келганидан бошингиз кўкка етарди. Лабларингизда табассум-у, кўзларингизда... кўзларингизда эса севинч ёшлари милтирарди. Бола қалбим билан бу кўз ёши нима учунлигини билмасдим, англамасдим. Ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасдим! Буни кейинроқ, йиллар ўтиб улғайгач, сизни бир умрга йўқотиб қўйганимдан сўнг билдим. Англаб етдим. Ойижон! Кўзларингиздаги бу ёш - дийдор ғаниматлиги экан... Ота-она фарзандга Яратган эгамнинг омонатга эканлигини тушундим.

Сизни сўнгги бор кўргани келганимда ҳам кўзларингизда ёш кўрдим. Лекин бу сафар узоқ йиғладингиз. Кечагидек ёдимда: онамнинг ишлари жуда кўпайиб кетганидан, уларни бирровга бўлса-да кўргингиз келаётганидан шикоят қилдингиз. Бироқ бир дақиқадаёқ буларни унутиб, келганимдан роса суюндингиз, ҳар галгидек тансиқ таомни илиндингиз...

Яратган эгамнинг қисмати экан, кўриб келганимдан кейин беш кун ўтиб, яқинларингизни зор йиғлатиб, дунёдан кўз юмдингиз. Меҳрибоним! Билганимда эди,, ўшанда сизни сўнгги бор кўраётганимни, сезганимда эди... Ёнингиздан бир қадам ҳам жилмасдим. Қайноқ меҳрингиз-ла йўғрилган бағрингизни бир онга ҳам ташлаб кетмасдим. Доим райҳон иси тараладиган юзларингизга юзларимни босиб, ором олардим, бахтиёр бўлардим.

Ойижон! Суратингизга термулиб сизни беноҳоя соғинганимни ҳис этаман. Сизни кўргим, мулойим овозингизни эшитгим келади. Ҳозир сизни ёд этиб, қуръон тиловат этганимдан руҳим осойиш топгандек. Сиз ҳамиша фарзандларингиз, яқинларингиз юрагида, қалбидасиз. Илоҳим охиратингиз обод бўлсин.

**Алломахон**
**ХУРШИДЖОН қизи,**
**ЎзМУ талабаси.**

# БАРЧА ОРЗУЛАРИМ УШАЛДИ, АММО...



Баъзида одам ўзи танимаган, холис одамларнинг фикрига, маслаҳатига муҳтож бўлиб қолар экан... Балки менинг кечмишим ўзим қатори дугоналаримга, ўзимдан ёш сингилларимга сабоқ бўлар...

Яқинда 26 га тўламан. Олий маълумотлиман. Бу сўзни алоҳида юрагимда фахр билан айтгим келади. Чунки олий маълумотли бўлиш менинг бирдан-бир орзуим, мақсадим эди...

Ота-онам мени тил ўргансин деб, рус синфига ўқишга беришганди. Мактабда аъло баҳоларда ўқидим. Лекин баъзи бир сабабларга кўра 9-синфни битиргач, ўзбек синфига ўтдим. Рус тилида ўқиган бўлсам ҳам, оиламдаги тарбия таъсириданми, табиатим оғирроқ, шўх эмасман. Шунга қарамасдан янги синфда қизлар билан тезда тил топишиб кетдим, йигитлар ичида ҳам ҳурматга эришдим. Чунки билимим синфдошларимга нисбатан юқорироқ эканлиги билиниб қолди.

Юракда аллақандай бошқача ҳис-туйғулар пайдо бўла бошлаган пайтлар эди. Биринчи ишқий мактубни шу синфда олдим. Ёшлигимдан шаҳзодалар ва маликалар ҳақидаги эртаклар, романларни кўп ўқигандим. Бу асарлардаги чин севги, муҳаббатга барча қизлар сингари ҳавас қилардим. Бир куни шундай муҳаббат менинг ҳам юрагимга кўнишини орзу қилардим. Шунинг учун биринчи мактуб мени бироз чўчитди. Чунки, уни ёзган йигит мен тасаввур қилган шаҳзодага ҳечам ўхшамасди. Дарҳол уни рад этдим. Кейин яна мактуб олдим, мактублар олдим. Йигитлар бирин-кетин муҳаббатини изҳор қилишарди. Мен рад этардим, рад этавердим... Энди менинг бошқа мақсадим бор. Аниқроғи бу ёшлигимдаги орзуим эди, кейин мақсадга айланди. Мен жарроҳ бўлмоқчи эдим. Олий ўқув юртига кириш учун бошим билан ўқишга шўнғиб кетдим. Битирувчи синф бўлдик. Турли кечалар, туғилган кунлар, ўтиришлар тез-тез бўлиб турарди. Мен бирортасига қатнашмасдим. Ҳатто битирув кечасига мажбурлаб олиб боришган, шунда ҳам бир соат ўтириб қайтиб келганман. Ўша пайтда ҳозиргидек репетиторлар ҳали унча урф бўлмаганди. Туманимизда кимё фанидан дарс берадиган тузукроқ ўқитувчи ҳам йўқ эди. Шунинг учун мен мустақил ўзим тайёрландим. Тайёргарлигим бироз суст бўлдими, ёки омадим келмадими, танловдан ўта олмадим. Кейин яна тайёрландим. Ниҳоят ўқишга кирдим. Лекин ўзим орзу қилгандек жарроҳ эмас, ўқитувчи бўлдим. Талабалик давримда ҳам тинмай ўқирдим. Бўш вақтимда тикувчилик, пазандаликни ўргандим, кейин компьютер курсига қатнадим. Замон талаби деб, рус тилини билсам-да, инглиз тилини ҳам мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Курсдошларим бўш вақт топилдими кинога, концертга, кечаларга боришарди. Мен эса ўқирдим, кимгадир курс иши ёзардим, таржима қилиб берардим. Менинг бу сўзларимни ўқиб ҳайрон бўлаётгандирсиз: қандай қилиб ҳаётнинг энг ширин ва жўшқин даврлари - ўқувчилик ва талабалик даврларини бунчалик қуруқ ва зерикарли ўтказиш мумкин деб. Шу кунларда тез-тез ўзим ҳам бу саволни ўзимга бериб тураман... Барча дугоналаримнинг йигити бор эди, баъзилари ҳатто: "Ҳақиқий севгим эмас экан", - деб бир неча бор севиб ҳам улгуришди. Менинг эса хаёлимдаги "шаҳзодам" бор эди. Уни ҳеч кимга ўхшатмасдим, бир куни келишини кутардим. Ўзимни унга лойиқ бўлиш учун идеаллаштиришга ҳаракат қилардим. Кумушбибига ўхшагим келарди. Мен замонавий қизлардан орқада қолмаслик учун ҳам олий маълумотли, ҳам ҳунарли бўлдим, дунёқарашимни ўстирдим, лекин шу билан бир қаторда юрагимни соф, ўзимни пок сақлашга ҳаракат қилдим. Тинмай ўз устимда ишлаганим, ўқиганим, меҳнат қилганим фақат ўша кутаётганим-шаҳзодам учун эди. Бир куни ҳаётимга кириб келганда уялиб қолмаслик учун тиришардим. Бунинг учун мен кучли, иродали бўлишни истардим. Лекин баъзида кучсиз аёл эканлигимни ҳис этгим, кимгадир суянгим, бутун ихтиёримни унга топширгим келарди. Мени қўллаб-қувватлаб турувчилар йўқ эмасди. Ота-онам, ака-укаларим, дўстларим бор. Улар менга жуда меҳрибон, ёрдамларини аямасдилар. Лекин унинг ўрни бошқа эди... Шу орзулар билан ўқишни битириб ишга кирдим. Ёшим ҳам ўтиб бораверди. Йигитлар келиб кўнгилларини очишарди, лекин мен уларга қайрилиб ҳам қарамасдим. Мени ҳатто "тош юрак" деб атайдиган бўлишди. Бир куни олдимга бир йигит келди. У маст бўлмаса ҳам ичгани шундоққина сезилиб турарди. У ҳе йўқ, бе йўқ "Мен сени оламан, сен менга тегасан",- деди. Унинг туришида, ўзини тутишида, гап-сўзларида на андиша, на ҳурмат, на меҳр бор эди. Қўпол муомаласидан, маданиятсизлигидан қаҳрим келди. Уйга келганда эса хўрлигим келиб, тўйиб-тўйиб йиғладим. Ўзимга келгач кўзимдан қандайдир хира парда тушгандек бўлди. Ҳаётга энди бошқача кўз билан қарадим. Ҳақиқий ҳаётни кўрдим. Кўрдиму қўрқиб кетдим. Ўзимга ачиндим. Ҳаётимнинг жўшқин кунларини ўқиш баробарида ўйнаб-кулиб ўтказмаганимдан афсусландим. Сиз: "Наҳотки сенга кўнгил очган шунча йигитлар ичидан "шаҳзода"нгни учратмаган бўлсанг", - дерсиз. Менга фақат отасининг эркаси "бойваччалар" ёки бирон мақсади йўқ, фақат ҳозирги куни билан яшайдиганлар учради. Бундай йигитлар ёқмасди. Чунки улар умрида битта китобни олиб ўқимаган, отаси едирганини еб, отаси кийдирганини кийиб, отасининг пулига келган машинанинг калитини қўлида ўйнаб юришади, ҳатто олий маълумотни ҳам отасининг пули билан олишади. Негадир йигитлар қизларга чиройли кийиниб юрадиган, машинаси, данғиллама ҳовлиси бор йигитлар ёқади деб ўйлашади. Бундайлар ҳаётда биринчи қоқилишданоқ бошлари гангиб қолади, уларнинг иродаси бўш, дунёқараши тор бўлади.

Менинг "шаҳзодам" ақлли, зеҳнли, меҳрибон, ҳаётда ўз йўлини топган ва нимага эришган бўлса фақат ўз кучи билан эришган, жасур йигит бўлишини хоҳлардим. Афсус, мана шундай ҳислатларнинг ҳеч бўлмаганда ярмига эга бўлган йигитни учратмадим...

Эртак билан асл ҳаёт ўртасида фарқ борлигини унутиб қўйганлигимни энди тушундим.

Ҳозир ўқувчиларим ўсмир ёшда. Мен қачонлардир ҳис этган туйғуларни бошларидан кечиришмоқда. Баъзида сўраб қолишади: "Домла, муҳаббат борми дунёда? Ишонсак бўладими?" - деб.

***Агар севиб-севилганимда эди...Мен уларга муҳаббатнинг чиройли эртакларидан эмас, ўз севгимдан сўзлаб берган бўлардим. Ўқувчиларимга эса: - Муҳаббат бор, усиз ҳаётнинг мазмуни, бахт ҳам йўқ. Фақат унинг борлигига ишонинглар деган бўлардим. Энди эса мен ҳам шу саволни бераман. Ахир ўзим ҳам билмайман-да. Чиндан ҳам: «Муҳаббат нима?»...***

**НИЛУФАР**

Дил изҳори

# САБР КОСАМ ТЎЛИБ КЕТДИ

Четдан қараганда кўпчилик ҳавас қиладиган бахтли оиламиз. Эрим жуда меҳнаткаш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, ичиб-чекмайди. Менга ва болаларига меҳрибон, қаттиққўл ота. Аммо биттагина камчилиги бор. У ҳеч қачон, ҳеч кимни кечирмайди, ҳатто онасини ҳам! 7-8 йил тинмай менга севги изҳор қилиб, ишонтиргани учунми, ота-оналаримиз келишуви асосида севмаган инсонимга турмушга чиқдим. 22 йил яшаб бирор марта юзига тик қарамаганман. Бунга сабаб, эримнинг жуда қизиққонлигидир. Онам: "Эр иккинчи худо, гап қайтарма, юзига тик қарама", деб айтгандилар. 5 йилда 3 та фарзандлик бўлдик. Бу орада у бўлим мудири бўлди, машина олди. 3 бола билан ўралашиб қолганимда, у менга: "Ўртоқларингни тез-тез таклиф қилиб тур",-дерди. Менга унчалик ёқмаса ҳам рози бўлдим. Чунки меҳмон келса мен овқат қилишим, болаларга ҳам қарашим керак эди. Эрим мени дугоналарим олдида жуда ҳурмат қиларди, лекин мен спиртли ичимликлар ичмаслигим ва унчалик чиройли бўлмаганим учун, улар олдида тортиниброқ турардим. Дугоналарим эса эрим билан ичиб, бемалол чақчақлашиб ўтиришарди. Кейинчалик билсам, дугоналарим ва эрим кўнгилхушлик қилишаркан. Ўша пайтлар кўзим кўр экан-да. Бу ҳол мени дугоналаримдан йироқлаштирди. Орадан йиллар ўтиб, биз 5 фарзандлик бўлдик. Эрим шахсий шифохона очиш мақсадида ҳовлимиз тўридан янги уй қуришни бошлади. Мени ҳам ишлатмай қўйди ва ўзимга ёрдамчи топишни маслаҳат берди. Ўша пайтлар мактабимизга битта боласи билан ажрашган ёш бир аёл ишга келганди. Қиш ойлари эди, у қатнашга қийналарди ва мен уни уйга таклиф қилдим. У жуда камгап, ишчан, эримга умуман гапирмасди. Эрим ҳам у билан гаплашмасди. Аёл боласи билан эски уйда ётишарди, кундузи эса бирга эдик. Баъзан кечқурун эрим: "Ҳамма нарса очиқ - сочиқ ётибди, ўғри бор", - деб ҳовлини айланиб келарди. Ўша кезлари мен ва болаларим ухлагач, у билан учрашиб юришаркан.

Баъзида у 3-4 ойгача менга яхши гапириб юрар, кейин эса арзимаган гап учун мен билан 4-5 ойлаб гаплашмас, болаларим олдида: "Ифлос, бефаросат, молсан", - деб изза қиларди. Мен 5 бола билан ажрашишдан қўрқиб, ўзим билган ва билмаган айбларим учун тинмай кечирим сўрардим. Болаларга сездирмаслик учун ўзимни бефаросатга солиб, унга кулиб гапирардим. У аразласа болаларим жуда сиқилар, менга раҳми келар ва «қачон ярашасизлар»- деб мени баттар эзишарди. Очиқчасига гаплашишга эса юрагим бетламасди. У гапга жуда уста эди, игнадек айбингни филдай кўрсатарди. Мен эса йиғлашдан нарига ўтолмасдим.

Кейинчалик шахсий шифохона очиб, турмушга чиқмаган опа-сингилларни ҳамширaликка ишга олди. Қишлоқ жойи эмасми, «эри уларнинг бирига уйланган» деб, элда дарров гап бўлиб кетди. Бунга каттасининг ўзини бефаросатларча тутиб, ҳиринглашлари ҳам сабаб бўлди. Болаларим ҳам мактабга ўтиб-қайтганда кўриб хафа бўлиб келишарди.

Бир куни мен ўша қизни уйга чақирдим ва босиқлик билан: "Сен ўзингни тутишни бил, болаларим олдида эримнинг обрўйини тўкма", - десам: "Сиз мени текширгунча, эрингизни уйингиздаги аёл билан қилиб юрган ишларини билинг", - деди. Мен ҳайрон бўлиб, ўша аёлни (энди у ўз уйидан ишга келарди) уйга чақирдим. "Виждонинг бўлса тўғрисини айт, эрим билан ораларингда нима гап ўтган", - дедим. У эса йиғлаб: "Ҳа, мен 2 йил эрингиз билан сизга хиёнат қилдим", - деди. Кетаётиб эса: "Опа, мен ҳам, эрингиз ҳам, сизнинг тирноғингизга арзимаймиз, мен кўр бўлсам керак, сизнинг яхшилигингизни билмадим", - деди. Дунё кўзимга остин-устун бўлиб кўриниб кетди. Хаёлимда энди эрим ҳамма билан хиёнат қилаётгандай туюладиган бўлиб қолди. Хуллас, 22 йил деганда мен портладим. Ҳамма тахминларимни эримнинг юзига сочдим. У эса менга: "Нима ҳаққинг бор мени текширишга, юрсам ўз пулимга юрдим, сенга нима етмайди ўзи, агар болаларимга айтсанг,мени бу уйда бошқа кўрмайсан", - деб дўқ урди.Мен болаларимни етим қилишдан қўрқиб, худога солишдан ўзга чорам йўқ эди.

Тўғри, ҳозир эрим менга бақирмайди, ёнида олиб юради, ҳатто баъзан "ҳалиям фақат сени севаман", дейди. Менга бу маъносиз сўзни эшитиш бир азоб, лекин мен артистлардай қувониб, кулиб тураман, олдингидай ҳурмат қиламан, чунки яна ўша 5 болам...

Эрим барча хиёнатлари, сири очилганини онамдан кўради. Яқинда онам бир ойча касал бўлиб ётдилар. Мен тез-тез хабар олиб турардим. Эрим эса билса ҳам, бориб кўриш у ёқда турсин, ҳатто мендан: "Онанг яхшимикан?", - деб сўрамасди ҳам. Онам бизникига келди, эрим онамни кўриб, кўрмасликка олиб, хонасига ўтиб кетди. Мен хафа бўлганимни сездирмай десам, кўз ёшларим қуйилиб келарди. Онам эса уйига кетаётиб: "Агар мени деб уришсанг, сендан рози эмасман", - дедилар. Онам, акам, опам ҳам жуда яхши яшашади, иноқ туришади. Мен эримдан уларга фақатгина битта "салом" сўзини сўрагандим, ё бу шунчалар катта нарсами? Ахир мен унинг қариндошларининг ҳурматини жойига қўяман-ку! Еганим олдимда, емаганим кетимда, қўша-қўша уй, машина, бойликларим бўла туриб, мен умримда биринчи бор, эримни қарғадим: "Илоё қариганингда кўр бўл", деб ичимдан айтиб йиғладим.

Ҳадисларда "Инсон кечиримли бўлиши керак" дейилади. Мен шу даражада ёмон инсондирман, лекин мен эримнинг онамга салом бермаслиги, ҳурмат қилмаслигини, қолаверса хиёнатини ҳам кечира олмадим. Маслаҳат беринг азизлар! Чин меҳр ва маслаҳатга зор

**АЁЛ,**
**Тошкент шаҳри.**

14 Оила ва жамият № 19 (654) 6 май — 12 май 2004 йил Oila va jamiyat

# МАЛҲАМИ ЖОН ПИСТАЛАР



***Ҳар йили кўз ўнгимизда мўъжиза юз беради: ерга тушган ушоқдай уруғ униб чиқади ва зўр бериб қуёш сари интилади, тўхтовсиз ўсади. Бу ғоятда зўр ишни бажариш учун зарур қувватни уруғлар табиат атайин улар озиқлансин учун яратган ёғли моддалардан оладилар. Шу сабабли ҳам ўсимликларнинг уруғлари (албатта донлари ҳам!) беқиёс қувватга эгадир. Зеро, улардан олинадиган ўсимлик ёғлари одам организмини инсон саломатлиги учун ўта муҳим бўлган қатор моддалар билан ҳам таъминлайди.***

## МИТТИ ТУГУНЛАРДА НИМА БОР ЎЗИ?

***Турли ўсимликларнинг уруғларида уларга хос бўлган кўплаб умумий хусусиятлар бор. Яъни кўплаб ярим тўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд. Бу моддалар ҳаётимиз учун жуда муҳим, бироқ улар организмга ўзича ўзлаша олмайди, фақат вужуд учун зарурий бирикма (масалан, гармонга ўхшаш модда - простагландинлар)га айланади. Простагландинлар инсон ҳаётида дирижёр сингари кўплаб жараёнларни бошқаради.***

***Шунингдек, уруғлар танамиздаги талай биоактив омилларни бир-бирига мослаштириб-уйғунлаштириб туради. Бу "дирижёр"ларсиз ярим тўйинмаган кислоталар организм учун бефойда моддалар бўлибгина қолмай, ҳатто кони зарардир: улар перекисларга айланиб, ҳужайралар мембраналарини жароҳатлайди касаллик келтириб чиқарувчи микроблар, ва вирусларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини сусайтиради. Улардаги "Е" витамини одамнинг қариш жараёнини секинлаштиради.***

***Биз юқорида уруғлар таркибидаги айрим моддаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритдик, холос. Аслида бу митти тугунларда ўнлаб сир-синоатлар мавжудки, халқ уларнинг илмий шарҳини билмаса-да, улкан аҳамиятини доимо эътироф этган ва қадрлаган.***

## ОШҚОВОҚ ТУҲФАЛАРИ

Япониялик парҳез бўйича мутахассис фойдали маҳсулотлар жадвалида ошқовоқ уруғини биринчи ўринга қўйган.

Бу хокисор уруғлар қандай фазилатлари туфайли бундай юксак шарафга муяссар бўлди, дейсизми? Уларда фойдали ёғлар кўп бўлгани ҳолда, саломатлик учун зарарли холестерин йўқ. Уларда органик кислоталар, руҳ ва темир, магний, калций, фосфор шунингдек кўплаб оқсил моддасининг ҳаммаси мужассам.

Ошқовоқ уруғининг мағзи, унда руҳ моддаси бисёрлиги учун ҳам юксак қадрланади. (Руҳ кунгабоқар пистаси таркибида ҳам кўп!) Руҳ етишмовчилиги эркакларда жинсий қобилият борасида муаммолар туғдириши аниқланган. Танасида руҳ кам ёшларни эса беўхшов ҳуснбузарлар, қазғоқлар хафа қилади. Шуларга ўхшаш кўнгилсизликлар юз бермаслиги учун улар руҳ моддасига бой маҳсулотларни, шу жумладан ошқовоқ уруғи мағзини мунтазам равишда истеъмол қилиб туришлари зарур.

Булардан ташқари, ошқовоқ уруғи мағзи юмшатиш, сийдик ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. У юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Буйракни созлайди, ошқозон ва ичаклар дам бўлишини йўқотади. Соч ўсишини таъминлайди. Танадан оғир метал тузларини чиқариб ташлайди.

Очиғи, ошқовоқ уруғини унча менсимаслигимиз рост. Бироқ халқ табобати уни қайнатма, шарбат ёки кукун ҳолида истъемол қилинганида шифо топиш мумкинлигини таъкидлайди.

**Безовта болаларга...**



Ошқовоқ уруғи мағзидан тайёрланган бўтқа, айниқса гижжаси бор болалар учун фойдали. Уруғ мағзини ҳовончада яхшилаб туйиб, унга таъбга кўра асал, бирон хил мева шарбати қўшиб ийлаш зарур. Гижжа туширувчи бу восита "қурт" тушишининг олдини олишда ҳам ишлатилади. Уни эрталаб оч қоринга 2 марта (орадан ярим соат ўтказиб) истеъмол қилинади.

**Мағзидан сут тайёрлаб...**

Буйрак касалликлари ва қовуқни даволаш учун ошқовоқ уруғи мағзидан тайёрланадиган "сут"дан ичиш керак: 1 стакан мағизни майдалаб уқалаб, устидан шунча қайноқ сув қуйилади. Яхшилаб аралаштиргач, тиндириб, сўнг чўкиндини қолдириб ичиш тавсия этилади.

**Буйрак дардига шифо...**

Яхши қуритиб туйилган ошқовоқ уруғи мағзидан бир чой қошиғини 1 стакан қайноқ сувга солинг. 5-10 дақиқа дамлаб қўйинг. Шунақа чой ичиб юрган одам буйрак дардига шифо топади.

## ПИСТА - ЭРМАК ЭМАС, ШИФО!

Биз пистани асосан эрмак учун чақилади, деб ўйлаймиз. Аслида, эрмак учун чақилган писталар табиатнинг инсонлар-



га атаб тайёрлаган шифо тўла хумчаларидир.

Пистанинг таркибида холестерин алмашинувига кўмак берувчи тўйинмаган ёғ кислоталари бор. Таркибининг 20 фоизи оқсил бўлиб, аминокислоталар (шу жумладан метионин)га бой. Бу модда танада ёғ алмашинуви жараёнида фаол қатнашади.

Пистадаги магний жавдар нондагидан 6 баравар кўп. Маълумки, магний юрак-томир тизимининг меъёрида ишлашини таъминловчи омиллардан бири. Булардан ташқари, писта тери қоплама ва шиллиқ пардаларни мустаҳкамлайди, танадаги модда алмашинувини яхшилайди.

Юқорида санаб ўтилган барча шифобахшлик хусусиятларидан етарлича фойдаланиш учун ҳар бир киши бир кеча-кундузда 50г. писта мағзини истеъмол қилса кифоя. Даволаниш мақсадлари (масалан, зиққинафас, асаб тизими касалликлари, мигрен ва б.) да кунига 3 марта 50 граммдан писта чақадилар.

**Қандли диабетда...**

*Бир кг. хом писта мағзи устидан 3 л сув қўшиб, паст оловда 6 соат қайнатилади. Икки стакан қайнатма қолганида дори тайёр бўлади. Қайнатмани эрталаб ва кечқурун оч қоринга 1 стакандан ичилади.*

**Қон босими ортганда...**

*Қуйидаги восита яхши фойда беради. Кастрюлга 2 литр совуқ сув солиб, унга ярим литрли идиш тўла чақилган хом писта мағзини солиб 2 соат паст оловда қайнатилади. Қайнатма совугач, уни кун бўйи ичилади.*

## «КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...»

Кунжут донасининг шифобахшлиги қадимдан маълум. Замондош нонвойларимиз, қандолатчилар кунжутдан кенг фойдаланмоқдалар.

Кунжут уруғи жуда хуштаъмлилигидан ташқари, ўта шифобахш ҳам. Кунжут уруғи таркибининг 65 фоизи тўйинмаган ёғ кислоталаридан иборат. Бу кислоталар орасида шундай хили ҳам борки, у танамизда етишмаётган тўйинмаган ёғ кислотаси етишмовчилигини бартараф этади. Фақат шу моддагина танада тўғри ёғ алмашинувини таъминлайди. Унинг танқислиги бошланган одамда хужайраларнинг мембраналари шикастлана бошлайди. У барча фойдали нарсаларни хужайраларга ўтказиб, зарарлиларини, танадан чиқариб ташлайди. Организмнинг ҳимоя қувватини оширади, шиш ва ўсмаларга қарши жараёнини тезлаштиради.

Маълумки, айни шу кислоталар юрак-томир тизими фаолияти ва танада модда алмашинуви учун ғоятда зарур. Бундан ташқари, кунжут, лицетин, калций ва темир моддаларига бой. Шунингдек, у юрак ва томирларга ижобий таъсир этади. Ошқозон шираси миқдорини меъёрида сақлайди.

## ТАРВУЗ УРУҒИ НАФАҚАТ ДОРИ, БАЛКИ...

**1**. Бир ҳовуч оқ ва қора тарвузнинг қуритилган уруғларини оласиз-да бирорта идишга соласиз. Кейин бирон истакни ўйлаб, уруғларнинг устига сув қуйинг. Агар сув юзасига биринчи бўлиб оқ уруғлар қалқиб чиқса, орзуингиз рўёбга чиқади. Қора уруғлар қалқиб чиққудек бўлса, демак истагингиз амалга ошмас экан.

Агар сув бетидаги оқ уруғларнинг миқдори қорасидан кўпроқ бўлса, иқтисодий ишларингизда сизга омад кулиб боқади. Мабодо қора уруғлар кўп бўлса, билингки, ғанимлар сизга қарши фитна уюштиришмоқчи.

**2**. Бир сиқим оқ ва қора товуқ уруғларни аралаштириб каптарларга сочинг. Агар каптарлар кўпроқ оқ уруғларни чўқилай бошлашса катта миқдорда пул сарфлайсиз. Каптарлар фақат қора уруғларнигина чўқилаётган бўлса, ўзингиз учун қизиқарли таклиф эшитасиз.

Қушларнинг оқ ва қора уруғларни баравар чўқилашиши эса олис сафарга чиқишингиздан далолатдир.

Сочилган уруғлар шундоқлигича қолса, сиз ёки яқинларингиздан бирортаси қаттиқ касал бўлади.



**3**.Тарвуз уруғларини кафтларингизда ишқаланг. Агар ўнг кафтингизга уруғлар кўпроқ ёпишган бўлса даромадли битим тузасиз. Уруғларнинг чап қўлингизга ёпишиши катта пул йўқотишингиздан дарак беради. Уруғлар иккала кафтингизга тенг ёпишса уйингизга меҳмонлар келади.

**М.МУРОДОВА ва БАСИРА тайёрлади.**

Мадинабонуни Гавҳарой деган исмга ўзгартиришди.



# ИСМИНГИЗ БАХТДАН ДАРАК БЕРАДИМИ?

Кўпгина назариячилар чақалоқ дунёга келиб, отаси унга исм қўйган чоғдаёқ, унинг бу дунёдаги бахтию тахтини ана шу исмга мужассам қилиб қўяди, деган фикрни билдирмоқда. Уларнинг фикрича, ҳар бир исмда ота ва онанинг орзу-умидлари мужассам бўлади.

Бугунги кунда Бахтиёр, Бахтигул, Улуғбек, Азизбек, Шуҳратбек, Бобурбек, Шаҳноза, Нилуфар исмлари анчагина оммалашди.

Лекин исмнинг ташқи жозибаси ҳамма вақт ҳам, инсоннинг тақдир йўлига мос келавермас экан. Пахтаобод туманида истиқомат қилаётган бир оилада туғилган чақалоққа Мадинабону деб исм беришди. Қандай чиройли исм! Мадинабону ақлли-фаросатли қиз бўлиб улғайди. Институтни қизил диплом билан битирди. Аммо бахти очилмай, иш билан овуниб юриб қолди. Унинг ота-онаси нима қилишини билмай, охири уламоларга мурожаат қилишди. Улар қизнинг исмини ўзгартиришни маслаҳат беришди. Мадинабонуни Гавҳарой деган исмга ўзгартиришди. Ўша йили унинг бахти очилиб, турмуш қурди. Икки фарзандли бўлиб, чиройли турмуш кечирмоқда.

Тадқиқотчилар кузатуви:

Бизда Юлдузой исмлилар жуда кўп. Уларнинг ота-онаси фарзандини чиройли бўлишини, юлдуздай порлаб туришини истаган бўлсалар ажаб эмас. Лекин кузатишларга қараганда, бу исмдагилар серғайрат, ташаббускор бўлиш билан бирга шахсий ҳаёти оғир кечаркан. Бу исмдагилар орасида қайта турмуш қуриш ҳоллари кўп учрайди.

Ёки Бахтиёр, Улуғбек, Азизбек, Шуҳратбек каби исмдаги йигитларнинг ташқи кўриниши хушрўй, кўп ҳолларда уларнинг одобли бўлиши кузатилган. Лекин уларда талайгина ижобий хусусиятлар билан бир қаторда нисбатан лоқайдлик, бир ишни охирига етказмаслик, чалакам-чатти фикрлаш, ташқи дабдабага мойиллик ҳоллари кўп учрайди.

Хўш, сизнинг исмингиз жисмингизга муносибми? Исмингизга қанчалик бахт ва омад мужассамлашганини билгингиз келаётгандир? Шундай бўлса, мана бу жадвалга эътибор беринг.

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З |
| И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р |
| С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Ъ |
| Ь | Э | Ю | Я | Ў | Қ | Ғ | Ҳ | |

Энг аввало қоғозга ўз исмингизни бехато ёзиб олинг. Сўнгра исмингиздаги ҳарфлар ўрнига жадвалнинг юқорисидаги рақамларни қўйиб, уларни бир-бирига қўшиб чиқинг. Ҳосил бўлган рақамни ҳам бир-бирига қўшинг. Шунда исмингизнинг очкич рақами ҳосил бўлади.

Келинг, ҳозирда кенг тарқалган Шуҳратбек исмининг очкич рақамини топишга ҳаракат қилайлик.

**8+3+8+9+1+2+2+6+3=42=4+2=6.**

**Демак**, бу исмнинг очқич рақами 6 га тенг.



Бу рақам ишда муваффақиятдан дарак беради. Бу рақамдаги киши обрў қозониши учун сўзи ишига тўғри келиши керак. Иззатталаблик ёмон қусур эканлигини тўғри тушуниб олса, кўп нарсага эриша олади. Ғирромлик ҳеч қачон обрў олиб келмайди. Фақат ҳалоллик бахтига кафолат бўла олади.

**Очқич рақами 1** бўлганлар: бу рақам шон-шуҳрат, қудрат, саъй-ҳаракат рамзидир. Бу рақамдаги инсон фақат истиқболли йўлларни танлаши ва ана шу йўлдан адашмаслиги талаб қилинади. Дўстларига тўғри маслаҳат беришга қодир. У кўпроқ бошқаларга эргашади. Пул топишни ва сарфлашни ҳам билади. Аммо бу рақамдаги инсон таваккал қилса яхшиликка олиб келмайди. Худбинлик ва таъмагирлик туфайли дўстларини йўқотиб қўйиши мумкин. Қандай вазифа топширилса, сидқидилдан бажариши лозим. Баланд дорга осилса обрў топа олмайди.

**Очқич рақами 2 бўлса** бу одам феъл-атвори майин ва мулоҳазакор, яхшигина ташкилотчидир. Ҳар ишда муросани ўйлаши керак. Бошқаларга ақл ўргатавериши мақбул эмас. Ҳаётга мослашиши яхши натижа беради. Худа-беҳудага куйинавермаслиги, жанжаллардан йироқ юриши унинг орзулари ушалишида муҳимдир. Дўстлари билан ҳамкорликда кўп нарсага эриша олади. Аммо иккиланишдан, беҳуда тантиликдан ўзини сақлаши лозим.

**Очқич рақами 3 бўлган** одам ўткир ақлга эгадир. Ёқимли ва хушчақчақ davraларни хуш кўради. Бугуннинг ўзи билан яшайди, келажакни ўйламайди. Ўз кучига ишонади ва ишни яхши билади. Бесабрлиги унга юқори чўққига чиқишга тўсқинлик қилади. Бу рақамдаги инсон фойдали маслаҳатларга эътибор қаратса санъатда, спортда юқори натижага эриша олади. Энг муҳими ўзига мос касбни танласа ҳаёти яхши кечади. Аммо севги йўлида омадсизликка учрамаслик учун жиддий ўйлаши зарур.

**Очқич рақами 4** бўлган инсон меҳнатсевар ва эҳтиёткордир. Шиори-қатъийлик ва ҳалоллик. Илмий-техника соҳаларида, саноатда муваффақият қозона олади. Дўстлар орттириб, элга танилади. Оғир шароитда ўзини йўқотиб қўймайди. Аммо мақсади кичик бўлса, майда-чуйдалар гирдобида ўралашиб қолса, умри қашшоқликда ўтади. Ўз малакасини доимий ошириб бориши керак. Ўз хулқи ва ҳалоллиги билан доимо бошқаларга ўрнак бўлиб тургани маъқул.

**Очқич рақами 5 бўлган** инсон фидойи, таваккалчи, серҳаракат кишилардир. Топқир бўлса-да, фақат олдинга интилиш туфайли оёқ остидаги имкониятларни кўрмай қолади. Саргузашт ва саёҳатларни хуш кўради. Топганларини кўп ҳолларда ана шунга сарфлайди.

**Очиқ рақами 6 бўлган** куч-ғайратини кундалик меҳнатга сарфласа, кўп нарсага эриша олади. Агар ишда ҳақиқий истиқболни кўра олса, машҳур шахс даражасига кўтарила оладилар. Албатта дўстлари маслаҳатига таяниши керак.

**Очқич рақами 7 бўлган** инсонда кучли ички ҳиссиёт мавжуд. Тиришқоқлик, шоирона қалб, ёрқин тасаввурга эга. Ёлғиз яшашни хушлайди. Иродасизроқ бўлса, умидсизлик ботқоғига ботади. Иродаси мустаҳкам бўлса машҳур бўлиб, дунёга танилади.

Ўз келажагини баҳоликудрат режалаштириб, бошқаларга тақлид қилмай олдинга интилса, кўп нарсага эриша олади.

**Очқич рақами 8 бўлган** инсон тадбиркорлик ва савдо соҳасида дадиллик кўрсата олади. Ўз режасини муваффақият билан амалга оширишга қодир. Ишда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямайди. Жамоани бошқариш қобилияти бор. Оила ва жамиятда бешафқатдир. Дўстларни бойлиги, амалига қараб танлайди. Арзимаган ишлардан ҳам яхшигина даромад топа олади. Аммо майда ишларга ўралашмаслиги, умр йўлдошини танлашда етти ўлчаб бир кесиши лозим. Ўз йўлидан қайтиш хорликка олиб келади.

**Очқич рақами 9 бўлган** инсон юксак ақл-идрок эгасидир. Истеъдоди билан кўп нарсага, машҳурликка эриша олади. Буюк ихтирочи, кашфиётчи бўла олади. Обрў қозона олади ва йўлбошчи бўла олади. Аммо камтар ва фидойи бўлиши зарур. Худбинлик ва манманлик барча ижобий хислатларини чиппакка чиқариши ҳеч гап эмас. Бошқаларнинг қадрига етиб, ҳақиқатни ўрнига қўя олса, бемалол машҳур бўла олади.

Гар исмингиз очқич рақами 10 ва ундан юқори бўлса яна бир рақамидан бошланаверади. Яъни 10 рақамидаги хусусиятлар бир рақамида, 11 рақамидаги хусусиятлар 2 рақамида мужассамлашган. Ва ҳоказо...

Яна шуни билингки, сиз очқич рақамингиздаги салбий хусусиятларингизни йўқотиб боришингиз ҳисобига, турмушингизни бахтли ҳаёт сари ўзгартириб борасиз. Энг муҳими, ўзингиздаги ижобий хислатларни оширишга, нуқсонларни камайтиришга ҳаракат қилинг.

Яна шуни билинг-ки, бахтнинг учта ўқ илдизи бор. БУЛАР - САЛОМАТЛИК, ТИНЧЛИК-ОМОНЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДИР. Агар саломат бўлсангиз, уйингизда тинчлик ва хотиржамлик бўлса, сиз шубҳасиз бахтиёрсиз.

Асосийси инсон ҳамиша бахтга интилиб яшаши, завқли ҳаёт кечириши, олдига катта мақсадни қўйиб, унга етиш йўлида фидойилик кўрсатиши зарур.

**Комилжон НИШОНОВ**
**тайёрлади**

Синалган ҳақиқатлар

# СОЧИ УЗУН АЛВАСТИ

Илгари алвастилар борлигига ишонмасдим. Отам айтган бир воқеа эса мени ҳалигача ўйлантириб келади. Ўшанда (мен у маҳаллалар кичик эдим) қишлоғимиздаги кексалар уйимиз ёнидаги анҳор устига солинган кўприкни гапиришиб, "Бехосият жой, бу ерларда кечаси юрманглар", - деб бизга уқтиришарди. Биз болалар бу гапларга парво қилмай нуқул кўприк устида ўйнайверардик.

Бир куни отам кечга томон оғайнисиникига зиёфатга кетаётиб: "Мени кутмай ухлайверинглар, кечроқ қайтаман", деди. Ярим кечаси эса тарақлаган товушдан ҳаммамиз уйғониб кетдик. Турсак, очиқ эшик ёнида отам турибди. Бир аҳволда, ранглари оқариб кетган: "Онаси, тезроқ сув бер..." - деб ғўлдирарди. Сувни ичиб бўлгандан сўнг ҳам дир-дир титраб, тилига ҳеч сўз келмай нуқул ташқарини кўрсатарди. Биз ташқарига чиқиб қарасак, ҳеч ким йўқ...

Хуллас, эртасига маълум бўлдики, тунда уйга қайтаётган отамни бир таниш овоз чақиргандек бўлган. Қараса сочлари узун қиз кўприк ёнида ўтирганмиш. У отамни "Бери кел", - деб имлаб. Отам эса: "Бу алвасти бўлса керак",- деб жонҳолатда уйга қараб қочибди. Шунда алвасти отамнинг ортидан қувиб келган. Ниҳоят дарвозани очиб уйга киргану... Биз кўрган аҳвол юз берган. Эртасига тушга бориб отамнинг иссиғи чиқиб ётиб қолди. Лабларига учуқ тошиб кетди. Нуқул бизга: "Кечаси бемаҳалда юрманглар, мен кеча жудаям қўрқдим, хушим ўзимда эмасди", - дер эди. Ўшандан сўнг отам ҳасталаниб кўп ётди, ҳедеганда тузалавермади. Ахийри қишлоқдаги домлани чақириб келиб дам солдирганимиздан сўнг тузалиб кетди...

Яқин-яқинга қадар ўша кўприк устида турли ҳангома-ҳодисалар рўй берар, ҳатто машина ё мотоцикл ҳалокатлариям шу кўприк устида содир бўларди. Қишлоқ кексалари қўй сўйиб қон чиқаришгач, бундай фалокатлар қайта такрорланмади.

**Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА**

# ОВОЗИНГИЗ – ТАШРИФ ҚОҒОЗИНГИЗ



Бизга таниш бўлмаган одамлар билан телефон орқали гаплашганимизда дарҳол нотаниш одамнинг қиёфасини кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қиламиз. Учрашганимизда эса... Кўпинча тасаввур қилган кишимизнинг тамоман аксини кўриб хато қилганимизни англаймиз.

Инсоннинг овози ва гапиришига қараб нимани билиш мумкин?

## ■ КЎНГИЛ КАЛИТИ

Овоз-инсоннинг ташриф қоғози, дея бекорга айтишмаган. Айтишларича, инсондаги ўзгартириб бўлмайдиган ягона табиий хусусият, бу унинг овози экан. Ҳаммамиз ўзимизга хос овозда гапирамиз. Овозни ҳеч қачон ўзгартириб бўлмас экан.

Айнан шунинг учун қадимги Италияда одамларнинг паспортига унинг овоз оҳангининг қандайлиги ҳам ёзиб қўйиларкан. Дунёдаги энг замонавий банкларда эса сейфларга эгасининг овози парол қилиб қўйиларкан. Овозида салгина сохталик сезилса сейфнинг эшиги умуман очилмас экан.

## ■ ОҲАНГЛАР ҚАНДАЙ МАФТУН ЭТАДИ

Овознинг оҳангига қараб ўзимизга яқин ва таниш одамларни дарҳол ажратиб оламиз. Баъзан, биз умуман кўрмаган, билмаган суҳбатдошимизнинг овози бизни мафтун этади. Руҳшунос олимлар эса ёқимли овозда ўзига хос уйғунлаштирувчи олий оҳанглар бор, дея ҳисоблашади. Буларсиз овоз хира, синиқ бўлиб, тингловчида ҳеч қандай таассурот қолдирмайди. Ҳофизларнинг овозида эса бу оҳангларнинг оддий сўзлашишдан кўра кучлилиги кўп исботланган. Шунинг учун чиройли, тиниқ ва жарангдор овозни булбулнинг навосига ёки кумуш қошиқнинг жарангига ўхшатишган.Оҳанглар қанча кучли бўлса, овоз шунча кучли бўлган. Эҳтимол шунинг учун испаниялик ошиқ эркаклар севгилиларига серенада куйлашган бўлса ажаб эмас.

## ■ЁШАРИШНИ ИСТАСАНГИЗ... ҒАЗАБЛАНМАНГ

Ҳар қандай овоз, ҳатто, у ҳирқироқ бўлган тақдирда ҳам, албатта ички бир туйғу ва ўзгача кайфият билан сўзланса ёқимли эшитилади. Тадқиқотчи олимлар турли ёшдаги эркак ва аёлларга битта жумлани айттириб кўришган. Ҳар ким буни ўзи ўрганган қилиқлар билан айтган. Хулоса шуни кўрсатганки, ғазаб ва қўрқув туйғуси овоз эгасининг ёшини анча катта қилиб кўрсатаркан. Қувноқ ва хушкайфият овоз эса ёшига нисбатан 10 ёшга ёшартираркан. Шунинг учун ёш кўринишни истаганлар иложи борича шод ва хушчақчақлик билан сўзлаганлари маъқул.

## АГАР ОВОЗИНГИЗ ЙЎҚОЛСА...

Афсуски, баъзан овозимиз ўзимиз истагандек жарангламайди ёки умуман овозимиз чиқмай қолади. Шамоллаганда, овоз чиқарувчи тўқималаримиз шикастланганда шундай ҳолат юз беради. Ваҳоланки, айрим одамлар учун овоз асосий ўринда туради. (Масалан, қўшиқчилар, дикторлар учун). Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам овоздан айрилиб, ўз фикрларимизни тўла-тўкис айта олишдан маҳрум бўлганимиз учун изтиробга тушамиз.

Йўқолган овозни халқ табобати,-яъни гиёҳлар ёрдамида яна қайтаришнинг оддий усуллари бор.

***2 ош қошиқ маврак (шалфей) ўтига бир стакан қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа дамлаб қўясиз. Кейин уни сузиб, юмшоқ матони ушбу дамламага яхшилаб ботириб олиб томоғингизга боғлайсиз-да, устидан қуруқ сочиқ билан ўрайсиз. У совугач алмаштирасиз. Ушбу муолажани уч-тўрт марта такрорлаш овозингизни қайтаришга катта ёрдам беради.***

***Агар иш фаолиятингиз юзасидан эртадан- кечгача гапиришингизга тўғри келса, овозингизни асраш учун бир чой қошиқ ичимлик содасини бир стакан илиқ сувга аралаштириб эрталаб ва кечқурун томоғингизни чайиб туринг.***

***Шамоллаб касал бўлиб қолсангиз хонадаги иситгич ёнига бир идишда сув қўйиб қўйинг. Шунда хонадаги ҳаво нам бўлиб, томоқ қуруқшаб қолмайди.***

## ■СЎЗЛАШИШ ҲАМ САНЪАТ

Гарчи телефон орқали гаплашаётган суҳбатдошимизнинг эркак ёки аёл эканлигини билиш қийин бўлмаса-да, лекин унинг кўриниши семиз ёки озғинлигини, бўйибастини, ёшини аниқлай олмаймиз. Масалан, ўта нозик инсон бўлган Левитан ўзининг бетакрор овози билан дунёга танилган.

Шунингдек, инсоннинг феъл-атворини овозидан билиб бўлмайди. Овоз сохта бўлиши, биз ўйлаган ҳақиқатдан чалғитиши мумкин. Ана щунинг учун бир-бири билан телефон орқали танишиб, севишиб қолганлар учрашганларидан кейин ҳафсалалари пир бўлиб, юз кўрмас бўлиб кетишади.

Атрофдагиларга қандай таассурот қолдиришимиз ҳаётимизга, келажагимиз, шахсий ҳаётимиз ва соғлиғимизга ҳам ижобий таъсир қилиши мумкин.

**ГУЛБАШАКАР тайёрлади**

Табобат нома

## ДАРДНИ АЙЛАГАЙ У ДАФ

Саримсоқпиёзни яхши биласиз. Унинг ҳиди ўткир бўлиб, шифоси билан ажралиб туриши, кўп дардларга даво эканлигини кўпчилик билмаса керак. Ибн Синодан сўрашибди: "Эй Шайх, сиздан кейин ўрнингизни босадиган ким қолгусидир?" Аллома шундай жавоб берибдилар: "Эй азизлар, мендан кейин ўрнимни саримсоқпиёз босгусидир".

Ундаги эфир мойи қон томирлар ҳаракатини кучайтириши натижасида ёғ безлари ишлашини яхшилайди. Бундан соч ўсиши тезлашади, бошдаги қазғоқ йўқолади. Соч тўкилишининг олдини олишда ҳам унинг нафи бор. Ундан сочнинг ҳолатига қараб фойдаланилади, яъни соч кўп тўкилаётган бўлса, айниқса тепакал ҳолидаги соч тўкилиши бошланишида бир бош саримсоқнинг 2-3 палласини қириб ўтказилади-да, ҳосил бўлган бўтқасимон суюқликни бошнинг керакли ерига суртилади. Буни 7-10 кун давомида ҳар куни қайтариб турилади. Янчилган саримсоқ бошда 2 соат тургандан сўнг совун билан ювиб ташланади. Сочни ўстириш ва бошдаги кепакни йўқотиш учун ҳафтада бир маротаба бу муолажани бажариб туриш керак. Саримсоқни бош ювишдан икки соат илгари бошга суртиб қўйилади. Соч қуруқ бўлса, саримсоқ бўтқасини докадан ўтказиб, унга бироз ўсимлик мойи аралаштириб, сўнг бошга суртиш керак. Ёғли сочга мой аралаштириш шарт эмас. Ҳар икки ҳолда ҳам бу муолажани икки-уч ойдан кам қилманг. Акс ҳолда кутилган натижани бермайди. Сочга саримсоқ суртгандан сўнг бошга рўмол ўраманг. Негаки, бош териси ачишиши мумкин. Саримсоқ майдалангандан сўнг 300 соатдан кейин ҳам фитоцидлар ажратади.



Маълумки, саримсоқнинг ҳиди ўткир. Кўпчилик ўртасида, оилада оғиздан унинг ҳиди уфуриб турса, гўёки одобсизлик ҳисобланади. Бунинг олдини олиш учун истеъмол қилгач, кашнич, зира илдизини ёки қуруқ чойни чайнаш даркор.

Саримсоқ шифолигига келсак, у ўт (сафро) ажралишини кучайтиради. Қон босимини туширади, овқат ҳазм қилишини яхшилайди. Иштаҳани очади, ичак оғриғини қолдиради. Бўғим оғриқларида, юракнинг безовталанишида, паришонхотирликда даво бўлади. Буйракдаги тошни нуратиш хосияти бор. Бунда турп билан истеъмол қилиш керак. Қийин битадиган яраларга наф беради. Сурункали бронхит, холецистит каби хасталикларида тавсия этилади.

Шу билан бирга у пешоб ҳайдовчи, гриппнинг олдини оладиган восита ҳамдир.

1971 йили Тибет табобати усулларини тадқиқ этаётган олимлар, "Навқиронлик эликсири"га, унинг қўлланилишига оид сиру асрорларга эга бўлишди. Бу борада "Оила ва жамият" газетасида чоп этилган.

Саримсоқнинг бу аралашмаси танани ёғлардан тозалайди, моддалар алмашинувини яхшилайди, қон томирлар қовушқоқлигини маромига келтиради, миокард инфарктининг олдини олади, юрак сиқилишида даво.

Саримсоқ саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган, "Аллахол" хаб дорисининг таркибий қисмига ҳам киради. Бу дори сурункали гепатит, холециститда қўлланилади.

Саримсоқпиёзнинг яна бир хислати шуки, қувватбахшдир. Унинг бир килоси 1330 килокалория беради. Шунинг учун ундан бир қатор сабзавотларни тузлашда ишлатилади. Саримсоқпиёзнинг ёввойи ҳолдагиси ҳам бўлади. Лекин ҳанузгача ўрганилмаган, айрим манбаларда ёзилишича, ёввойиси кучлироқ таъсирга эга экан.

Оилада ҳар бир киши саримсоқ истеъмол қилиши даркор. Уни фойдали экан деб ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш ҳам мумкин эмас, сабаби бошни оғритади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ**
**доришунос**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00
Босишга топширилди -

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 639. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 18816
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Т. НОРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ.
2 3 4 5 6